O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2001 йил 18 СЕНТЯБР, сешанба
№ 38 (242)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ 1996 йилнинг январидан нашр этилади

*Огоҳликка даъват*

## ЁВУЗЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Шу йилнинг 11 сентябр куни Америка Қўшма Штатларида бир гуруҳ террористлар томонидан содир этилган қўпорувчилик ва ёвузликни инсоният ўзининг тарихида ҳали кўрмаган эди. Шунинг учун ҳам бу фожиа ўзининг миқёси, қурбонларнинг сонига кўра, миллати, ирқи, диний эътиқодидан қатъи назар, дунёдаги барча тоза ниятли халқларнинг қалбини ларзага солади.

Ер юзининг қайси минтақасида, қайси ижтимоий тузумда яшашига қарамасдан, бутун башариятнинг тақдири бир-бири билан узвий боғлиқ эканлигини англатди. Дунё аҳли биринчи марта терроризм ўзининг ёвуз моҳиятига кўра, ҳамма учун — у қудратли давлатми ёки ўзини энди тиклаётган мамлакатми — баббаравар хатарли эканлигини очиқ-равшан ҳис этди.

Ҳолбуки, атиги бир кун олдин — 10 сентябр куни ҳам терроризм хавфи осойишта ва фаровон турмуш кечираётган, иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда қудратли, энг сўнгги русумдаги мудофаа қуролларига, армиясига эга бўлган давлатлар тақдирига таҳдид солиши мумкин эмасдек туюлганди. Не-не сиёсатдонлар Афғонистонда йигирма йилдан бери давом этаётган фуқаролар урушини ҳам, Исроил ва Фаластин ўртасидаги қонли можароларни ҳам, Чеченистонда рўй бераётган тўқнашувларни ҳам, Болқон ярим оролидаги қирғинларни ҳам ўша минтақаларда яшайдиган аҳоли тақдиригагина дахлдор, деб билишарди.

Бироқ бугунгина эмас, бундан саккиз-тўққиз йил муқаддам ҳам, ўз элининг миллий манфаатини дунё халқлари билан уйғунликда кўрган ва инсоният боши узра тўпланаётган қора булутларнинг хавфини пайқаган, доно сиёсатчилар барча давлатларнинг раҳбарларини бундан огоҳлантирган, фақат, огоҳлантириб қолмасдан унинг асл манбаини айтган ва якдиллик билан қарши курашга чақирган эди.

Воқеаларнинг кейинги ривожи ва бир неча кун муқаддам ер куррасининг барча минтақаларини ташвишга солган ҳодиса Президентимиз Ислом Каримов узоқни кўра билган давлат арбобларидан бири эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

**“Ўзбекистон экстремизми, террорчиликни, ҳар қандай кўринишдаги диний фанатизм ва ақидапарастликни қатъиян қоралайди”.**

Бундан роппа-роса саккиз йил олдин — 1993 йил 28 сентябр куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48 – сессиясидаги маърузасида Юртбошимиз шу сўзларни айтар экан, кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини дунёнинг турли ҳудудларида рўй бераётган ва тобора аланга олаётган турли қирғинларнинг асл моҳиятига қаратган ва уларнинг сабабини чуқурроқ мулоҳаза этишга даъват этганди.

**“Можаро содир бўлаётган жойларда ғоят кўп микдорда замонавий қурол-яроғ ҳеч бир назоратсиз тўпланаётганлиги ҳам бизни ташвишга солаяпти, — деганди Ўзбекистон раҳбари. — Бу қурол-яроғлар қаёқдан келаяпти ва улар экстремистлар билан террорчиларнинг қўлига қандай тушиб қолаяпти? Биродаркушлик урушлари бўлаётган жойларга қуролларнинг бундай оқимини тўхтатиш учун жаҳон ҳамжамияти нима қилаяпти ва нималар қилиши лозим? Халқларнинг манфаатларига, миллатларнинг тақдирига ва миллионлаб кишиларнинг ҳаётига дахлдор бўлган бу саволлар ўз жавобини кутаяпти.”**

Бу гаплар айтилган пайтда мамлакатимиз ҳали халқаро терроризмнинг таҳдиди билан юзма-юз келмаган, 1999 йилги 16 феврал воқеалари, Қирғизистоннинг Боткен туманида, Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сариосиё туманларида бир гуруҳ экстремистларнинг талвасали хуружлари юз бермаган эди. Шу нуқтаи назардан олганда, Юртбошимиз ўша пайтдаёқ фақатгина мамлакатимизнинг миллий манфаати, ўзбек халқининг тинчлиги ва осойишталиги хусусида эмас, балки бутун дунёнинг тақдири ҳақида ташвишлангани аён бўлади.

Кейинги йилларда кўпгина халқаро аҳамиятга эга бўлган нуфузли анжуманлар ва йиғилишларда ҳам Ўзбекистон Республикаси раҳбари турли минтақадаги давлат арбобларини куч олаётган хатардан огоҳлантирибгина қолмасдан, ушбу таҳдидга қарши ҳамжиҳатликда курашиш юзасидан ўзининг қимматли таклиф ва тавсияларини киритди.

Аммо халқаро терроризм ва экстремизмнинг хуружи алоҳида минтақаларга хос ҳодиса сифатида баҳоланиб қолаверди. Айнан мана шу бефарқлик ва хатарнинг кўламини етарли даражада баҳоланмаганлиги Нью-Йорк шаҳрининг катта қисмини вайронага айлантирган, Пентагоннинг мустаҳкам қалъасини хароб этган қўпорувчиларга, уларнинг “раҳнамо”ларига қўл келди. Улар бамайлихотир режа тузган ҳолда, пухта тайёргарлик билан ўзларининг ёвуз мақсадларини амалга оширишга муваффақ бўлдилар. Натижада минглаб бегуноҳ жонлар қурбон берилгандан сўнггина умумжаҳоний хотиржамлик бузилди, лоқайдлик бир қадар чекинди.

Жаҳоннинг барча мамлакатларида инсониятнинг тинчлиги, осойишталигига, келажак тақдирига хавф соладиган мудҳиш ҳаракатнинг моҳияти ҳақида чуқурроқ ўйлаш, таҳлил этиш жараёни бошланди. Оддий фуқаролардан тортиб, олий мартабали арбобларга қадар ҳамма-ҳамма ёвузликнинг чегараси бўлмаслигини, дунёдаги бирорта давлат унинг яширин ва маккорона ҳужумидан четда қолиши мумкин эмаслигини англаб етди.

Чунки терроризмнинг аниқ макони йўқ, қўпорувчи тўдаларга уюшганларнинг миллати йўқ, яъни қиёфасиз, шунинг учун ҳам энг даҳшатли душмандир. Агар дунё беш миллиарддан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган битта иморат бўлса, терроризмни қурол қилиб олган тўдаларни мана шу иморатга кириб қолган заҳарли илонларга ўхшатиш мумкин. Бу илонлар қайси тирқишдан ўтиб, қайси хонада пайдо бўлади, кимни чақади, кимга заҳар солади, буни ҳеч ким аниқ айта олмайди. Улардан қутулишнинг битта йўли бор, бу — газандаларнинг янгидан янги тухум қўйишига, кўпайиб кетишига йўл қўймаслик, уларга қарши ҳамжиҳатлик билан кураш олиб бориш ва янчиб ташлашдир.

Бунинг учун эса географик манзили қаерда бўлишидан, қайси сиёсий тузумга мансуб бўлишидан, турмуш тарзи, тараққиёт йўлининг фарқидан қатъи назар, барча эллар битта шиор — терроризмга ва экстремизмга қарши кураш шиори остида бирлашишлари, унинг ҳар қандай кўринишларига ўз вақтида зарба беришлари даркор. Албатта, кўп қутбли манфаатлар ва қарашлар билан яшаётган жаҳонда бу осон бўлмайди. Аммо истиқболни, тараққиётни, башарият ўз тарихи давомида яратган жамики моддий ва маънавий бойликларни, энг муҳими, Тинчлик ва Омонликни таъминлашнинг бошқа йўли ҳам йўқ.

**Бахтиёр РИЗО**







## ИНСОНИЯТГА ТЕРРОР ХАВФ СОЛМОҚДА

110 қаватли, баландлиги 419 метрлик Нью-Йорк шаҳридаги Американинг фахри аталмиш умумжаҳон савдо маркази бутун инсониятнинг кўз ўнгида қулаб тушди. Бирин-кетин иккита самолётнинг эгизак биноларга урилишини ҳаммамиз қўрқув ва саросима билан кузатдик. Икки улкан бино дунёдаги 6 миллиардга яқин одамлар кўз олдида чок-чокидан сўкилиб тушди. Инсониятни саросима ва хавотирга, огоҳликка ва бирдамликка ундаган ўша даҳшатли воқеани, келинг, бир бошидан сўзлайлик.

Кундузги 8.45. Нью-Йоркнинг ҳар кунги осуда бошланадиган кунини Америка фахри ҳисобланадиган бинодаги қаттиқ портлаш ва унда бошланган ёнғин бузди. Тезда 200 кишидан иборат қутқарувчилар ва 80 нафар полициячи воқеа жойига етиб борди. Одамлар нималар бўлаётганини англаб-англамай турган бир вақтда, тўғрироғи, аввалги портлашдан 18 минутдан кейин иккинчи бинога улкан “Боинг-767” самолёти келиб урилди.

Бу даҳшатли воқеаларни тўғридан-тўғри узатаётган CNN телеканалини кузатиб турган инсоният аҳли тушундики, бундай ёвузлик ҳаракати фақат террорчилар қўлидан келади. Орадан ярим соат ўтиб CNN телеканали Вашингтондаги “Пентагон” биносига яна бир самолёт келиб урилганини хабар қилди.

АҚШ департаменти ҳамда Капитолей бинолари олдида ҳам портлашлар бўлган. Вашингтон, Питсбург ва Нью-Йоркдаги талофат натижасида ёнаётган иморатларни кузатаётганлар орадан кўп ўтмай яна бир даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлдилар: умумжаҳон савдо марказининг 110 қаватли улкан эгизак биноси бирин-кетин қулаб тушди.

CNN телеканали ва барча оммавий ахборот воситалари бу ҳаракатларни Америкага қаратилган террорчилик уруши, деб эълон қилди. Жорж Буш Америкага, Америка мустақиллигига хуруж, деб баҳолади бу мудҳиш воқеаларни. Инсоният қалбида эса бу ҳаракатларга кучли нафрат уйғонди. Террор, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, **XXI асрдаги инсониятнинг улкан душмани эканини барча ҳис қилди.** Бу йўлда барча тараққийпарвар инсонлар, давлатлар қўлни-қўлга бериб бирдамлик билан ҳамжиҳатликда кураш олиб бориши лозимлиги яна бир бор аён бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, инсоният бугун террор деган катта хавф олдида турибди. Яшаяпти. Кейинги йилларда биргина Жазоирнинг ўзида террорчилик ҳаракатлари оқибатида 100 минг киши ҳалок бўлган. Куни кечаги хуруж ҳам Америкага қаратилган террорчилик ҳаракатларининг биринчиси эмас. Бундай ҳаракатлар сони дунёда, шу жумладан, Америкада ҳам ошиб бораяпти. 1995 йилда 2 та, 1996 йилда 3 та, 1997 йилда 4 та, 1998 йилда 5 та ва 1999 йилда эса 12 та шундай ёвуз ҳаракатлар Америкага қаратилган эди. Буларнинг энг сўнгиси, ўтган йили, яъни 2000 йилнинг октябрида АҚШнинг “Коул” ҳарбий кемасида содир бўлди. Ниҳоят, кечаги даҳшатлар...

Унинг оқибатида тахмин қилинишича, 40 мингдан зиёд одам ҳалок бўлган бўлиши мумкин. Америка иқтисоди эса 20 миллиард зарар кўрди, дея тахмин қилинмоқда. Бу миқдор ҳатто 1992 йилдаги кучли довул солган зарардан ҳам ошиб тушди. (Довул 15 миллиард зарар келтирганди). Фақат 1945 йил, иккинчи жаҳон уруши ғалабаси нишонланиши муносабати билан ёпиб қўйилган Нью-Йорк фонд биржаси маълум муддатга фаолиятини тўхтатди. Лондон биржасидаги 3 сонлик савдо 83 миллиард зарар келтирди.

Терроризм нақадар ёвуз куч эканини англаган, террорчилик хуружидан азият чеккан давлат сифатида Ўзбекистон ҳукумати юқори минбарлардан бир неча бор терроризмга қарши курашувчи давлатлараро марказ тузиш лозимлиги ҳақида ўз таклифларини бериб келаётган эди. Зеро, кечаги воқеа терроризмга оддий ҳаракат, деб қарамаслик лозим эканлигини кўрсатди. Бутун инсоният бирдам бўлиб тараққиётга қарши қаратилган бу ёвуз ҳаракатни тезда ер юзидан супуриб ташлаши лозим. Негаки, террор истаган давлатнинг истаган гўшасида, хоҳлаган вақтда инсонларга хуруж қилиб қолмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Террорнинг миллати, дини, чегараси йўқ. У энг аввало, тараққиётнинг душмани. Буни биз кеча бутун инсоният фахр қилса арзийдиган тараққиёт, техника, илм-фан маҳсули бўлган осмонўпар икки бинонинг қулашида яна бир бор кўрдик.

Инсоният ўзи яратган мўъжизаларни ва ўзини ёвузлик қўлига ҳеч қачон бериб қўймайди. Биз бунга ишонамиз.

**Акбар ЖОНУЗОҚОВ, журналист**







**Бу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса, жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир.**

**Ислом КАРИМОВ**




**Пойтахтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда россиялик теннисчи Марат Сафин ғолибликни қўлга киритиб, иккинчи марта кубок соҳиби бўлди.**

* * *

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ўн ёшга кирди.

* * *

**Тошкент Давлат юридик институтида “Адолат — қонун устуворлигида” мавзусида анжуман ўтказилди.**

* * *

Америка Қўшма Штатларининг марказий шаҳарларига қилинган терорчилар ҳужуми бутун дунё аҳлининг қаҳр-ғазабини уйғотди. Шу муносабат билан мамлакатимиз Президенти И.Каримов АҚШ Президенти Жорж Буш жаноби олийларига ҳамдардлик мактубини жўнатди.

* * *

**Нью Йорк ва Вашингтонда юз берган террорчилик ҳаракатлари қурбонлари хотираси учун 13 сентябр куни АҚШнинг Тошкентдаги элчихонасида ҳамдардлик китоби очилди.**

*Адлия тизими*

### Солиқлар — тараққиёт мезони

***Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларни шакллантиришда солиқларнинг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс. Мамлакатимизда солиқ тизимининг ўзига хос миллий модели шакллантирилган бўлиб, бу тизим халқаро меъёр ва андозаларга мос келади.***

***Адлия вазирлигида бўлиб ўтган навбатдаги ўқув машғулоти солиқ қонунчилигини такомиллаштириш муаммоларига бағишланди. Унда солиқ қонунчилигининг ўзига хос томонлари, уларни амалга ошириш жараёни қандай кечаётганлиги, тажриба ва муаммолар, шунингдек, шу соҳага оид қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.***

## ҚОНУНГА СУЯНИБ ИШ ТУТСА...

Тошкент вилоятининг туман, шаҳар судлари томонидан ўнта тадбиркорга нисбатан қўлланилган саккизта жиноят иши ҳаракатдан тугатилди ва улар жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

— Иш нима учун шу даражага бориб етди, деган ҳақли савол туғилди. Биринчи сабаби. Текширувчи идораларнинг ишни шошма-шошарлик билан кўриб, юзаки хулоса чиқаришида бўлса, иккинчиси эса, тадбиркорларнинг қонун доирасида ўзини – ўзи ҳимоя қила билмаслигидадир, - деди вилоят адлия бошқармасининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Бахтиёр Турғунов “Туркистон-пресс” мухбирига. — Дастлабки таҳлиллар жойларда давлат хизматчилари томонидан тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашиш, зўравонлик қилиш ҳоллари юз берганлигини кўрсатди. Бўлимимиз томонидан вилоятнинг туман ва шаҳар судларига 23 миллион 397 минг сўмлик етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида 455 та даъво аризалари киритилди. Бу даъво аризаларнинг 141 таси судлар томонидан тўлиқ қаноатлантирилди. 304 даъво аризалари бўйича жавобгарлар даъвони тан олиб, етказилган зарарни қопладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишида мамлакатимиз раҳбари томонидан адлия идоралари зиммасига янада муҳим вазифалар юклатилди. Шундан келиб чиқиб тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишда самарали ёрдам берувчи усулларни қўллаяпмиз. Ҳозир бошқармамизда тадбиркорнинг ҳуқуқини бузиш ҳолати бўйича махсус назорат карточкалари юритиляпти. Қонун бузилиши бартараф этилиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилгандан кейингина назорат карточкаси ҳаракатдан тўхтатилади. Кўрилаётган шунга ўхшаш чоралар натижасида тадбиркорларни ноқонуний текшириш ўтган йилга нисбатан бир неча юз марта камайди.

Кези келганда баъзи мулоҳазаларимни айтмоқчиман, — дея таъкидлади Б. Турғунов,— ҳақ-ҳуқуқи бузилган айрим тадбиркорлар кўп ҳолларда сукут сақлайдилар. Ҳуқуқий жиҳатдан саводхон бўлган бирон-бир киши уларга йўл-йўриқ кўрсатсагина ҳаракатга тушади. Ваҳоланки, тадбиркор қонун талаблари бузилаётганлигини пайқадими, бу ҳақда биринчи бўлиб ҳуқуқни ҳимоя қиладиган идораларга мурожаат қилиши лозим. Кўпчиликка наф келтириб, юрт фаровонлигига ҳисса қўшаман, деган киши қонунга суяниб иш тутсагина, муродига етади.

**“Туркистон-пресс”**

*Акс-садо*

## ЎҒРИ мол эгасидан кучлими? ёки “Дипол”дан эҳтиёт бўлинг!

“Инсон ва қонун” газетасининг шу йилнинг 4-сентябрь сонида эълон қилинган **“Жондор”дан эҳтиёт бўлинг!”** сарлавҳали мақола билан танишар эканмиз, унга ўз муносабатимизни билдиришни лозим топдик. Аввало, мақолада долзарб мавзу кўтарилган. Гап шундаки, Ўзбекистон халқ табобати академияси “Жондор” шампунини 1996 йилдан буён ишлаб чиқармоқда. Гигиеник “Жондор” шампуни ўз сифати билан харидорлар эътиборини тортган. “Жондор” шампуни Ўзбекистон халқ табобати академиясининг маҳсулот белгиси сифатида республика давлат патент идораси томонидан давлат реестри рўйхатидан (гувоҳнома рақами — 7946, 30.11.1998 йил) ўтказилган ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат санитария назорати томонидан рўйхатга олинган (гувоҳнома рақами — 0015, 12.05.1996 йил).

Мантиқан қараганда, мақолада кўтарилган масалаларнинг бизга дахли йўқдек туюлиши мумкин. Лекин гап шундаки, мақолада фаолияти танқид қилинган “Ферузахон” фирмаси бизнинг маҳсулот белгимиз ниқоби остида шу номда қалбаки шампун тайёрлаб сотган.

Фирма раҳбари Баҳриддин Бешимов Ўзбекистон халқ табобати академиясининг Бухоро вилояти бўлими раҳбари этиб ишга тайинланганидан сўнг Бухоро шаҳрида “Жондор” шампуни ишлаб чиқарила бошланган эди.

Кейинчалик халқ табобати академиясининг вилоят бўлими тугатилиб, “Синтез” ишлаб чиқариш фирмаси ташкил қилинди ва Б.Бешимов ушбу фирманинг директори этиб тайинланганди. Нопок ишлари учун фирма раҳбарлигидан четлатилганди. Орадан кўп ўтмай, ўзининг “Ферузахон” номли фирмасини ташкил қилиб, “Жондор” (новый) шампунини ноқонуний тарзда ишлаб чиқариб, сотувга тарқатган. Аслида унинг бизнинг маҳсулот белгимиз “Жондор” номи билан маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаққи йўқ эди. Б.Бешимов хуфёна равишда бир ҳамтовоғининг ҳовлисида қалбаки шампун ишлаб чиқаришга киришади. Мақолада тўғри таъкидланганидек, республика “Дори-дармон” уюшмасининг Хоразм ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳиссадорлик жамиятлари билан олди-сотди шартномаси тузади. Тез орада сохта тадбиркорнинг “сири” фош бўлади. Унинг бу борадаги “фаолияти” мақолада анча батафсил ёритилган. Шу боис бу тўғрида яна тўхталиб ўтишга ҳожат бўлмаса керак.

Гап шундаки, Б.Бешимовнинг “фаолияти”дан хабар топган ҳуқуқ-тарғибот идоралари, масалага ойдинлик киритиш мақсадида бизга мурожаат этган эди...

*(Давоми иккинчи бетда)*

## «ИНСОН ва ҚОНУН»га...

### ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетанинг 2001 йил 24 июл сонида чоп этилган **“Сўзда қўллашади, амалда эса...”** сарлавҳали мақолада баён этилган ҳолатлар ўрганиб чиқилди.

Аниқландики, мақола Хоразм вилоят адлия бошқармасига фуқаролардан келиб тушган ва бошқарма томонидан текширишлар ўтказилган аризалар юзасидан тўпланган ҳужжатлар асосида ёзилган.

Жумладан, Хива туманининг Хива ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган “Раҳим Нурмат” фермер хўжалиги раҳбари Хушнуд Нурматов томонидан жорий йилнинг 5 январида вилоят адлия бошқармасига ширкат хўжалиги раҳбарининг ноқонуний буйруғи устидан ёзган аризаси юзасидан текшириш ўтказилиб, арзгўйнинг талаби қаноатлантирилиб, вилоят адлия бошқармасининг ёзма кўрсатмасига асосан хўжалик раҳбарининг буйруғи бекор қилинган.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармаси томонидан Хонқа туманидаги “Онажон-ая” фермер хўжалигига тумандаги “Халқобод” ширкат хўжалигидан 520 минг сўм, Шовот туманидаги “Зиё” кичик корхонасига тумандаги К.Раҳимов номидаги ширкат хўжалигидан 180638 сўм, К.Отаниёзов номидаги ширкат хўжалигидан 165050 сўм, Боғот туманидаги “Маркс” фермер хўжалигига Урганч шаҳрида жойлашган “Хоразм-сут” масъулияти чекланган жамиятдан 1620150 сўм ундириш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилган ва судлар томонидан бу даъво аризалари қаноатлантирилган.

Мақолада қайд этилган Шовот туманидаги К.Раҳимов номидаги ширкат хўжалигидан О.Ўрозов, К.Отаниёзов номидаги ширкат хўжалигидан Ж.Ахмедов, Хива туманидаги Беруний номидаги ширкат хўжалигидан А.Отаев, “Ўзбекистон”ширкат хўжалигидан Х.Ёвбосаров, Боғот туманидаги И.Дўсов номли ширкат хўжалигидан Й.Очилов, “Тошкент” ширкат хўжалигидан Ф.Жумаев, Хазорасп туманидаги “Обод” ширкат хўжалигидан И.Ҳайитов, Урганч туманидаги “Дўрмон” ширкат хўжалигидан Ф.Қурбонов, “Халқобод” ширкат хўжалигидан Л.Юсуповлар томонидан вилоят адлия бошқармасига йўлланган аризалар юзасидан бошқарманинг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими томонидан текширишлар ўтказилиб, аризгўйларнинг талаблари қаноатлантирилган.

Бундан ташқари мақолада Урганч шаҳар марказида янги деҳқон бозори қурилиши натижасида тадбиркорларга қарашли бир қатор хусусий дўконлар ҳоким қарори билан қонунга зид равишда бузилиб, тадбиркорларнинг хусусий мулкчилик билан боғлиқ ҳуқуқларига зарар етказилганлиги тўғрисида ҳам ёзилган.

Бу борада ўтказилган текширишлардан маълум бўлишича, шаҳар марказида икки қаватли 2 та ёпиқ ва 1 та очиқ савдо расталаридан иборат деҳқон бозори қурилиб, қурилиш лойиҳасига кўра, тадбиркорларга тегишли бўлган бир қатор хусусий дўконлар бузилган ва ўрнида замонавий автомобиллар тўхташ жойи ташкил қилинган.

Бозор қурилиши замонавий архитектура талаблари доирасида ишлаб чиқилган лойиҳа бўйича қонуний асосларда олиб борилган.

Лекин бозорда фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркорларнинг хусусий мулк ҳуқуқи бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар аниқланиб, ўз вақтида вилоят прокуратураси томонидан ушбу ҳолатларга барҳам берилган ва аризгўйларнинг талаблари қаноатлантирилган.

Натижада, барча бузилган хусусий дўкон эгаларига янги бунёд этилган бозор ҳудудидан ер майдонлари, дўконлар ажратилиб берилиб, етказилган зарарнинг бир қисми Урганч шаҳар марказий деҳқон бозори ОТҲЖ томонидан тўланган.

Шунингдек, вилоят прокуратураси томонидан бозорларда тадбиркорларга савдо фаолиятини амалга ошириш учун яратилган шароитлар доимий назорат қилиб келинган ва қонун бузилишига йўл қўйган ҳокимият ва солиқ инспекцияси ходимларига нисбатан тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилган.

**Д.ИСРОИЛОВ, Хоразм вилоят прокурори, Адлия катта маслаҳатчиси**

### ШИКОЯТ ЁЗАДИЛАР

Биз “Ўзкабель” Давлат ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2-сон ишчилар ётоқхонасида яшаб, меҳнат қиламиз. Ишимиз яхши-ю, аммо турар жойимизнинг шароити анча чатоқ. Гап шундаки, 1964 йилда қурилган ётоқхона ҳозирга келиб аянчли аҳволга тушиб қолган. Батамом таъмирлашга муҳтож ётоқхонанинг йўлак ва зиналарда чироқ ёнмай қолганига қанча вақт бўлганини кўпчилик ҳатто эслай ҳам олмайди. 13-15 бош оила ошхонадаги ягона чала ёнадиган газ плитасида овқат пиширади. Ётоқхонамиздаги шароит хусусида завод раҳбарияти ва ётоқхона комендантига бир неча бор мурожаат этиб, “ҳар ким муаммосини ўзи ҳал қилсин” деган жавоб олдик.- Бу гапни эшитиб, карахт аҳволга тушиб қолдик. Наҳотки, билимимиз, кучимиз ва меҳнатимиз эвазига гуркираётган қадрдон заводимиз турмуш шароитимизни яхшилаш ҳақида ҳечам ўйлаб кўрмаса!

Мана, ҳадемай қишнинг ҳам келишига оз фурсат қолаяпди. Аммо ётоқхонанинг иситиш тармоғи бутунлай таъмирталаб экани ҳеч кимни ташвишлантирмаяпди. Коммунал хизмат ҳақини ўз вақтида йиғиштириб оладиган корхона раҳбарияти мазкур ҳолатни қандай изоҳлайди?

**Ётоқхонада яшовчилар номидан: Турсунбеков, Эгамбердиева, Шодмонова ва бошқалар**

### ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР

Сўнгги пайтларда тамаки маҳсулотларига тегишли рекламаларнинг кўпайиб бораётгани кўпчиликни ташвишга солаяпди. Чунки рекламалар ҳали ғўр бўлган ёшлар, ўсмирларнинг эътиборини тез ўзига жалб этиши ҳаммага маълум.

Шунга қарамай ҳозир тамаки маҳсулотларининг рекламасига тобора зўр берилмоқда.

Эшитишимча, ҳозирги пайтда дунёнинг айрим мамлакатларида тамаки маҳсулотлари рекламасидан бутунлай воз кечиш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Назаримда, биз ҳам тез орада шундай қилишимиз лозим.

Яна бир мулоҳаза: ҳаммамизга яхши маълумки, рекламани ташкил этиш ўз-ўзидан бўлмайди. Балки бунинг учун каттагина маблағ ҳам сарфланади. Хўш, шу маблағни тамаки маҳсулотлари рекламасига эмас, балки бошқа эзгу ишларга сарф этиш мақсадга мувофиқ эмасми?

**Сожида АДИРОВА, шифокор**

# ДЕПСИНИШ

## Жомбойда фермерлар сон жиҳатдан ўсмоқда, амалда эса...

***Туманга пахта йиғим-теримига ёппасига киришилган кунларнинг бирида бордик. Бу пайтда вилоятнинг бошқа туманларида саккиз-ўн, ҳатто ўн бештага яқин фермер хўжаликлари пахта тайёрлаш шартномавий режаларини уддалаб бўлишганди.***

***— Бизда фермерлар бундан кейин режани бажара бошлашади, — саволимизга жавоб қилди туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги директори Акбар Хўрозов. — Сабаби, фермерларга хўжаликлар чигитни экиб бўлгач, энг охирида трактор, экиш сеялкалари берилган. Кеч экилгач, теримга ҳам кеч киришилади-да. Туманимизда иккита машина-трактор парки бор. Барибир фермерга хўжаликлардан кейин хизмат кўрсатилади. Лекин аминман, фермерларимиз ҳосилдорлиги юқори бўлади.***

***Уюшмага шу куни кузги уруғлик ғаллага буюртма бериш учун ўнлаб фермерлар келишди. Ўша кунлари вилоятнинг айрим хўжаликларида ғалла экишга киришилганди. Бунинг сабабини тушунтириб беришни вакиллик ҳуқуқшунос маслаҳатчиси Ўрозгул Холжигитовадан сўрадик.***

***— Ҳокимиятдагилар уруғлик ғалла тақсимотини шу пайтгача ўз қўлларида сақлаб туришди. Аввал хўжаликлар уруғликни олиб бўлишди. Фермерларга навбат энди келди. Кечлик қилмайди-ку, барибир бўладиган ишнинг эртаси яхши эдида. Бир томонда пахта йиғим-терими, иккинчи томонда ерни тайёрлаш, ғалла экиш техникасини қидириш, экиб олиш...***

***Хулоса: ҳокимиятдагилар уюшманинг фаолиятига нега эркинлик беришмаяпти? Туманда фермерлар ўгайми?***

### ИЗОҲНИНГ ҲОЖАТИ ЙЎҚ

Фермерлар ўзлари етиштириб, қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб берадиган маҳсулотларидан моддий жиҳатдан манфаатдор бўлишлари керак. Асосий мақсадлардан бири ҳам шу. Бироқ, туманда айрим фермерларнинг ҳафсаласи пир. "Қора ариқ" фермер хўжалиги Самарқанд консерва заводидан икки ярим миллион сўм қарзини ололмаган. "Нурафшон" фермер хўжалиги ҳам консерва заводи маҳсулотим ҳақини қачон тўларкан, деб кўз тикиб ўтирибди. Жомбой консерва заводига пешона тери билан етиштирган маҳсулотини топширган фермерлар ҳам ҳақларини ҳали — бери оладиган кўринмайди.

— "Жомбойдон" акционерлик жамиятига 4 тонна 600 килограмм ғалла топширганман, — дейди "Ҳосил" фермер хўжалиги раиси кекса деҳқон Тўқли бобо Раҳмонов. — Корхонадан ғалла пулини ололмай, жоним ҳалак.

— Пулни нима қиласиз, бува, — ҳазиллашади ёнидаги фермерлардан бири.

— Икки ўғлим Тошкент Молия институтида ўқийди, — дейди отахон. — Уларнинг шартнома пулини тўлашим керак. Ахир, оиламиз билан фермер бўлиб ишлаяпмиз.

### СИЗ ҲАМ ҚАРЗ, БИЗ ҲАМ ҚАРЗ

Деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги 1999 йилда "Жомбой пахта" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти билан 884 тонна пахта хом ашёси етказиб бериш тўғрисида контрактация шартномаси тузган. Шартномага асосан уюшма корхонага 961 минг 975 килограмм пахта етказиб берган. Корхона уюшмадан 3 миллион 659 минг 727 сўм қарз бўлиб қолган. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 32-моддасига асосан корхона товар ҳақини ўз вақтида узмаганлиги учун уюшмага яна 1 миллион 829 минг 863 сўм пеня тўлаши керак. Шундай қилиб, иккинчи йил пахта йиғим-теримига киришилибди ҳамки ҳиссадорлик жамияти уюшманинг 5 миллион 489 минг 590 сўм қарзини узган эмас.

— Самарқанд вилоят хўжалик суди судьяси Г.Қуваева ҳал қилув қарори чиқариб, ижро варақасини берган эди, — дейди Ў.Холжигитова. — Инкассага қўйилган. Аммо корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамида пули бўлмаганлиги сабабли ололмаяпмиз.

— Мен янгиман, - дейди "Жомбой пахта" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси Юнус Беккулов. - 1999 йил учун жавоб бермайман. Қолаверса, фермерларнинг биздан 800 минг сўм қарзи бор. Ўшани тўласин, кейин биз юқоридан пул тушса "момент" тўлаб берамиз.

Бош ҳисобчининг сўзларини ҳеч ўзгаришсиз келтирдик. Бош ҳисобчи янги экан, қарз аввал ишлаганлар даврида бўлган деб ҳеч ким ундан кечмайди-ку? Қолаверса, суд чиқарган қарорни бажармасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

- Қарзимиз бўлса, суд тартибида ундириб олсин, - дейди уюшмадагилар. – Бош ҳисобчиси айтаётган гап 1999 йил пахта толаси пулига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Суд тартибида 800 минг сўм чегириб ташлаб, қарзимизнинг қолган қисмини беришсин. Ахир унмас қарз фермерлар ҳаққи.

- Биз тушунча берганмиз, - мурожаатимизга жавоб қилди хўжалик суди судьяси Гулсара опа Қуваева. – Агар корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамида пули бўлмаса марҳамат, уюшма мол-мулкдан ундиришни сўраб даъво аризаси берсин. 800 минг сўм қарзга келсак бизга бу ҳақда ҳеч ким мурожаат қилмаган. У хўжалик судида алоҳида кўриладиган иш.

### АЛҚИССА...

**Самарқанднинг ҳамма туманларида бу йил хўжаликлар ва фермерларга ҳосилнинг пахта ёғи ва чорва озуқаси имтиёзли нархда марказлашган тарзда тарқатилди. Тумандаги "Олим", "Алибек" "Ислом" фермер хўжаликлари 2000 йил учун имтиёзли нархда пахта ёғи, чорва озуқаларини олмаган экан. Туман раҳбарлари бу борада назоратни кучайтиришлари даркор. Мўл-кўлчиликка ҳисса қўшаётган фермерлар эътибордан четда қолмаслиги керак.**

**Ўргатмоқчи эмасмиз. Туманда айни чоғда 112 та фермерда қишлоқ хўжалик техника воситалари мавжуд. Тележкалар жуда оз. Чигит экиш мавсумидаги муносабат барҳам топмоғи керак. Фермерлар пахтаси далада қолмаслиги тадбиркорлик, ишбилармонлик билан қабул пунктига етказилмоғи лозим. Бу борада яна жомбойлик мутасаддилар ташкилотчилиги зарур бўлади.**

**Алқисса, туманда шу йилнинг ўзида фермер хўжаликлари сони 137 тага ортиб, 606 тага етди. Сон жиҳатдан ўсиш бор, жойда амалда депсиниш бўлмаслиги лозим.**

**Абдулҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# ТАДБИРКОРГА ХИЗМАТ ПУЛ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ

Одамлар орасида "адвокат олибди", "адвокат ёллабди" деган сўзларни эшитганимизда, жиноят иши содир бўлганини тушунардик. Ҳимояга муҳтож экан-да, деб ўйлардик. Шўролар даврида шууримизга сингиб кетган ана шу тушунчадан ҳамон кўпчилик халос бўлган эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисида Президентимиз тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялашга адвокатлик тизимини жалб этиш масаласига эътибор қаратди. Адлия вазирлиги ҳайъат йиғилиши қарори билан эса тадбиркорларга адвокатлик хизмати кўрсатиш вазифалари белгилаб берилди.

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунларда фирмамиз ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга асосланган биринчи нодавлат ташкилотлар қаторида ташкил этилганди. Бугунга келиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган 38 нафар ҳуқуқшуносни бирлаштирган. Фирмамизнинг ҳозирда Самарқанд шаҳрида 4 та, Ургут, Пастдарғом, Булунғур, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманларида шаҳобчалари ишлаб турибди. Шу йилнинг ўтган саккиз ойида фирма адвокатлари томонидан 297 та жиноий, 276 та фуқаролик, 8 та маъмурий ишлар бўйича, 52 та корхона ва ташкилотларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун шартномалар тузилди. 120 дан ортиқ корхона, ташкилотларга таъсис ҳужжатлари тайёрлаб берилди. Шунинг учтаси чет эл инвестицияси билан боғлиқ ҳужжатлардир.

Биз бир неча йилдирки, АҚШ адвокатлар ассоциацияси билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Ҳамкорларимиз билан инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга доир турли тадбирлар ўтказиб турибмиз. Яқинда фирмамиз адвокати Дилбар Эрмуҳаммедова Буюк Британияга тажриба алмашишга боради.

Ислоҳотлар талабига биноан фирманинг мақсад ва вазифалари ўзгарди. Ҳуқуқий маслаҳатхоналар негизида ихтисослашган бўлимлар ташкил этдик. Энди жиноят ишлари, фуқаролик ишлари ихтисослашган бўлимлари алоҳида фаолият юритади. Тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ихтисослашган бўлими юридик шахслар, тадбиркорлар, хусусий тадбиркорлар, деҳқон-фермерларга қонунда таъқиқланмаган барча турдаги адвокатлик ёрдамини кўрсатади.

Биз ўтган йилларда бир қатор ширкат хўжаликлари билан адвокатлик хизмати кўрсатиш бўйича шартномалар тузгандик. Масалан, Иштихон туманидаги "Уч қаҳрамон" ширкат хўжалигини олайлик. Тузилган шартномага асосан хўжаликка "Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини оилавий пудрат асосида етиштириш", "Боғ ва токзорлар жойлашган ер участкалари билан бериш бўйича ижара шартномаси" тайёрлаб бердик.

Тадбиркор эндигина иш бошлаганда ҳуқуқий ёрдамга муҳтож бўлади. Ҳамма нарсани пул билан ўлчаб, ундан хизмат ҳақи умидвор бўлиш яхши эмас. Тадбиркор ўзини тез тутиб олса, бу жамият равнақи. Мулкдорлар сафининг ортиши эса муваффақият гарови. Шу мақсадда Булунғур туманида "Ҳабибулло бобо", "Асал Оллоёрова", "Тошпўлат" фермер хўжаликлари, "Нодирбек" хусусий корхонаси, якка тадбиркор Фарҳод Номозовларга бир йил давомида бепул адвокатлик ёрдами беришни кўзда тутганмиз. Улар сафи бундан кейин ҳам ортиб бораверади.

**Фахриддин РАЖАБОВ,**
**Самарқанд шаҳридаги "Қонун" адвокатлик фирмаси раҳбари**



*Ёшлар — эртанги кунимиз эгаларидир*

### *Оталар дейдики:*

*Ўз фарзандингни яхши хулқ, одобли ва ақлли бўлишга ўргат.*

* * *

*Илм ҳақиқий бойлик, ақл эса ҳамма нарсаданда аълороқдир.*

* * *

*Инсон фаолияти билим ва иш ҳаракат билан белгиланади.*

*Адлия тизими*

# ҚОНУН – АДОЛАТ НЕГИЗИ

**Вазирликнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди билан ҳамкорликда Хоразм вилояти маркази — Урганчда ўтказилган минтақавий семинар-кенгаши Ўзбекистон Олий Мажлисининг VI сессияси якунлари, Президент Ислом Каримовнинг мазкур сессиядаги нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди. Унинг ишида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти адлия-суд тизими, ҳуқуқий маслаҳатхоналар, ФҲДЁ ва нотариал идоралар ходимлари иштирок этди.**

**Республика Адлия вазирининг ўринбосари П.Саматов, мамлакат Олий суди судлов ҳайъати раиси Р.Акбаров, Олий хўжалик суди судлов ҳайъати раиси К.Убайдуллаевларнинг маърузалари тингланди. Мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг сессиядаги маърузаси одил судловни амалга ошириш соҳасидаги долзарб вазифаларнигина эмас, тизим фаолиятини ислоҳ қилиш, қонунчиликдаги демократияни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, ишларнинг адолатли ва ҳаққоний тарзда кўрилишига эришишнинг муҳим дастурий йўналишларини белгилаб беради дейишди нотиқлар. Энг муҳим ютуқ мамлакат адлия-суд тизими жаҳон андозаларидаги демократия намуналари сари дадил интилаётгани ва шунга монанд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг кўплаб яратилаётганидир. Аммо ҳаёт қонунлар ва уларга суяниб иш кўрувчилардан адолат ва ҳақиқатнинг чинакам намойишини талаб қилаяпти. Зеро, ўтиш даврининг вазифа-муаммолари, камчилик ва нуқсонлари анчагина.**

**Фуқаролар дилида қонунлар ва истиқлол тамойилларига чинакам ҳурмат ва меҳр-муҳаббат туйғуларини вужудга келтирмоқ зарур. Бунга адолатли қонунларни пухта қўллаш, меҳр-шафқат туйғуларини кўпроқ намойиш этиш баробарида эришилади. Афсуски, айрим судлар ва судьялар қонуннинг турли янгиликларини кўзловчи талабларига пухта риоя қилмаяпти. Иқтисодий жиноятларни содир этганларни айнан иқтисодий жиҳатдан жазолаш билан чекланишга етарли даражада эътибор қаратилмаётир. Жазони босиб қўллашнинг тарбиявий самараси кам бўлишини, афсуски, кўпгина қонун назоратчилари то ҳануз англаб етишмаётир. Куч чиндан ҳам адолатда. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қонун, адолат ва ҳақиқат тантанаси йўлидаги фидойилиги ва жонкуярлиги мамлакатдаги барча адлия-суд тизими, ҳуқуқ тартиботнинг бошқа жабҳалари ходимлари учун ибрат мактабига айланмоғи зарур.**

**2000 йили ва ушбу йилнинг ўтган ойларида судлар ҳамда адлия маҳкамаларида оддий фуқаролар, шунингдек, хусусий тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш кўламлари сезиларли ортган бўлса-да, чиқарилган ҳукм, қарор ва ажримларнинг кўпчилиги қонунийликдан йироқ. Бунинг устига ижроси ҳам ниҳоятда суст. Мамлакатдаги қуйи хўжалик судлари чиқарган қарорларнинг 42 фоизи юқори суд маҳкамаси томонидан бекор қилинган. Кўпгина судьяларнинг билим савияси ва ҳуқуқий маданияти турли эътирозларга сабаб бўлаяпти.**

**Анжуман маърузачилари, шунингдек, сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди Раиси С.Бердиқиличев, Хоразм вилояти жиноий ишлар бўйича суди раиси С.Хўжамуродов, вилоят фуқаролик ишлари бўйича суди раиси О.Дўсчоновлар Президентимизнинг сессиядаги маърузаси ва сессия ҳужжатлари, шунингдек, "Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан Амнистия эълон қилиш тўғрисида"ги Фармон талабларини бажо келтиришнинг аниқ йўл-йўриқлари ва чора-тадбирларини таклиф этдилар. Анжуманда Олий Мажлис VI сессияси материаллари ҳамда мамлакат йўлбошчисининг йўл-йўриқлари асосида суд-қонунчилик тизимини ислоҳ қилишни янада жадаллаштириш соҳасидаги режа ва вазифаларга қатор аниқликлар киритилди ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланди.**

**А.СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

*Дунё тараққиёти мезонлари*

# ЕВРОПАДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

***Азиз газетхон!***

***Биз газетамизнинг ўтган сонида тадбиркорлик фаолиятининг дунё тараққиётида тутган ўрни тўғрисида фикр юритиб, бу борада АҚШ тажрибаси хусусида тўхталиб ўтган эдик.***

***Хўш, тадбиркорликнинг ривож топиши учун Европанинг тараққий этган давлатларида қандай ишлар амалга оширилган? Уларнинг ютуқ ва тажрибалари нималардан иборат?***

***Қуйида ана шу мавзуда фикр-мулоҳаза юритилади.***

Европа Иттифоқида умумевропа даражасида кичик ва ўрта бизнесни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган бир қанча махсус дастурлар амалда жорий этилган.

Шулардан бири "Бошланғич мулк" дастуридир. Мазкур кенг кўламли дастурга кўра, янги ташкил этилган кичик корхоналарнинг молиявий имкониятларини ошириш, улар ўз олдига қўйган лойиҳанинг амалий ижросини тўла таъминлаш ва ниҳоят, оёққа туриб олиш учун кўмак бериш кўзда тутилган.

Яна шуни айтиш жоизки, бу дастур доирасида бошланғич мулкнинг 24 та жамғармаси фаолият олиб боради. Бу жамғармалар ўз навбатида кичик корхоналарга (бундай кичик корхоналар тоифасига 10 нафар киши хизмат қиладиган, бир йиллик савдо айланмаси 100 минг экюдан кам бўлмаган ва бошланғич даврда низом жамғармаси 1,5 млн экюни ташкил этадиган корхоналар киради) 25 мингдан 100 минг экю миқдорида имтиёзли равишда ссуда ажратиш қудратига эга.

Иккинчи бир жамғарма "Евротех-капитал" эса технологик тараққиётнинг юқори босқичини ўзида намоён этадиган транснационал лойиҳаларнинг амалий ижросини хусусий жиҳатдан молиялаштиради.

Албатта, бу жамғарманинг ўзига хос бир қатор талаблари ҳам йўқ эмас. Хусусан, у 50% акцияси Европа Иттифоқига тегишли бўлган корхоналарга, 500 нафардан зиёд киши фаолият кўрсатадиган, асосий маблағ кўлами 75 млн экюдан кам бўлмаган ва капиталнинг 3/1 қисми йирик компанияларнинг хусусий мулки ҳисобланган фирмаларга хизмат кўрсатади.

Англияда эса давлат сиёсати тижорат банкларининг кичик ва ўрта бизнесга кредит ажратиш борасидаги қизиқиш ҳамда манфаатдорлигини оширишга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Бу фикрнинг исботи тариқасида ҳукумат томонидан амалга жорий этилган "Joon Quagantie Scheme" дастурини келтириб ўтиш ўринлидир. Мазкур дастурга кўра тижорат банклари асосан ўзи мустақил кредит олиш имкониятига эга бўлмаган кичик ва ўрта бизнес вакилларига кредит ажратади. Энг асосийси, ажратилган кредитнинг 80 фоизи, аҳвол оғир ҳудудларда эса 85 фоизгача, ҳукумат томонидан кафолат берилади. Албатта, бундай имтиёзли кафолат берилганда, фоиз миқдори ҳам паст бўлади. Масалан, фоиз миқдори бир йилда 2,5% ни, шароит оғир ҳудудларда эса 2% ни ташкил этади. Дастурга мувофиқ давлат кафолати тижорат банклари томонидан кичик бизнесга бериладиган кредитнинг умумий миқдорида 70-80%ни қамраб олади. Бу кафолатни қоплаш учун эса ҳар йили давлат томонидан 50 миллион фунт стерлинг миқдорида маблағ сарфланади.

Энг муҳими, ана шундай оқилона иш тутиш натижасида бу йўналишдаги банкларга кичик фирмаларнинг деярли барчаси ишонч билан қарай бошлади.

Албатта, ўз навбатида кичик ва ўрта бизнес субъектлари билан ҳамкорлик қилиш тижорат банкларига муайян фойда келтирмай қолмайди. Хусусан, мамлакатдаги 4 та йирик банк мавжуд кичик бизнес субъектларининг 90% банк операцияларини назорат қилиши ҳам шундан далолат беради.

Аммо ҳукумат, банк ва йирик компанияларнинг астойдил қўллаб-қувватлашига қарамай, кичик корхоналарнинг аксарияти ўз фаолиятининг дастлабки босқичидаёқ инқирозга юз тутади. Бунинг энг асосий сабаблари кичик корхоналар тўловларни ўз вақтида амалга оширилмаслиги билан изоҳланади. Буюк Британия саноат Конфедерацияси маълумотларига кўра, ҳар бешинчи кичик корхона товар ва хизмат учун ҳақ тўлай олмай ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади. Ҳатто мамлакатда 1992 йил қарздорларга қарши курашиш учун махсус гуруҳ ҳам ташкил этилган. Бундан кўзланган мақсад эса, қарзини ўз вақтида тўламаган кичик корхоналардан қонун асосида жарима ундиришдан иборатдир..

Европада иккинчи бир давлат — Германиянинг тараққиёт йўлига назар ташласак, мамлакатда моҳият-эътибори билан бевосита кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча дастурлар ҳаётга жорий этилиб келаётганига гувоҳ бўламиз. Энг муҳими, давлат дастурига кўра, мамлакатда тадбиркорлик йўлини танлаган ҳар бир киши ўз фаолиятининг дастлабки икки йилида олган кредити учун фоиз тўламайди. Кейинги босқичда эса қонунда белгиланган миқдорда фоиз тўлаб боради.

Албатта, давлат тадбиркорларга имтиёзли суръатда кредит берар экан, ўз навбатида улар олдига кўпроқ талабларни ҳам қўяди. Шулардан бири энг аввало, ҳар бир кичик корхонага кредит бизнес-режа асосида берилади. Кичик корхоналарнинг кейинги фаолияти давомида бу кредит қаттиқ назорат қилиб борилади, унинг ҳар бир тийини қандай мақсад йўлида сарфланганлиги тўғрисида узлуксиз ҳисобот талаб қилинади.

**С. НОРБОЕВ тайёрлади**



# НАФСНИНГ ИЗМИГА ТУШГАН ХИЁНАТГА ЙЎЛ ОЧАР...

1999 йили Сурхондарё вилоят "Телеком" шуъба корхонасининг техник директори лавозимига тайинланган Мусурмон Раимов ўзига ишониб топширилган вазифаларни бажаришга ғайрат билан киришди. Аммо кўп ўтмай, у косов узун бўлса, қўл куймас, қабилида қинғир ишларга қўл ура бошлади. Кўза кунда эмас, кунида синади, деганлари рост экан. Шу йилнинг феврал ойида Мусурмон Раимов корхона омборидаги 149 минг 760 сўмлик 960 метр "ТСВ" русумли алоқа кабелини "филиалларга тарқатилди" деган мазмундаги қалбаки ҳужжатлар асосида сотиб юборади ва пулини чўнтакка урди.

Ҳамма иш силлиқ бажарилди, деб кўнгли тўқ юрган эди. Аммо жорий йилнинг март ойида ўтказилган текширувда қалбаки ҳужжат сирни ошкор этди. Натижада иш судга бориб тақалди ва келтирилган моддий зарарни тўлаб, эгаллаб турган лавозим билан хайрлашди. Шундай бўлса-да, Мусурмон Раимовни хафа қилиб қўйишмади.

У вилоят "Телеком" корхонасининг бош директори Шавкат Ёқубовнинг "оқ фотиҳаси" билан бир юмалаб, Учқизил алоқа тармоғи филиалининг бошлиғи бўлиб олди. Энг қизиғи эса, судда гувоҳ сифатида иштирок этган вилоят "Телеком" шўъба корхона бош директори Шавкат Ёқубов "Мен ҳеч нарсадан хабарим йўқ, фақат тафтишдан сўнг кабелнинг йўқолиб қолганини эшитганман", дея қўл қовуштириб ўтирибди. Бундай дейишимизга сабаб бор, албатта.

Мустафоқул Бегимқулов ўтган йилнинг 1 мартида корхонага қурувчи уста вазифасида иш бошлаган. Мустафоқул ҳам бир йилча ишини эплаб юрди. Кейин эса корхона омборидаги жами 38 минг 627 сўмлик ўн хилдаги ашёларни "гум" қилди. Аммо унинг ҳам Мусурмон Раимовдек сири ошкор бўлди. Суд ҳукмига кўра корхонага келтирилган зарарни чўнтагидан қуртдек санаб берди. Корхона бош директори Шавкат Ёқубов яна судда гувоҳ сифатида иштирок этди.

Қовун қовундан ранг олади, деганларидек, ушбу корхонанинг яна бир ходими Шуҳрат Абдуллаев ҳам 43 минг 903 сўмлик 151,82 квадрат метр ойна, 3,71 куб метр плёнкани сотиб юборган экан. Суд ҳукмига кўра у ҳам корхонага етказган зарарни чўнтагидан тўлади. Судда корхона бошлиғи Шавкат Ёқубов яна гувоҳ сифатида кўрсатма берди.

Энди бўлгандир-да, деб туришганда яна бир ходиса содир бўлди. Бу сафар текширувчилар нигоҳига вилоят "Телеком" шўъба корхонасининг Термиз шаҳар филиалида хўжалик ишлари бўйича бўлим бошлиғи бўлиб ишлаётган Сафар Чориев тушиб қолди. Бу "шоввоз" ўз жавобгарлигида бўлган 9527 сўмлик турли хил бўёқлар, 34 минг 69 сўмлик мих, 5263 сўмлик пайвандлаш электродларини шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани учун судда жавоб берди. Корхона бош директори Шавкат Ёқубов яна гувоҳ сифатида судга келишга мажбур бўлди.

Баён этилган ҳодисалар корхона фаолиятига табиийки, салбий таъсир кўрсатяпти. Буни жамоа аъзолари ўртасида аризабозликларнинг авж олаётганлиги ҳам тасдиқлайди.

Қолаверса, республика давлат алоқа инспекциясининг телекоммуникациялар хизматини кўрсатувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича Т-01/03-сонли далолатномасида қайд этилишича, корхона фаолиятида ариза ва шикоятларнинг бажарилишини назорат қилишда жиддий нуқсонлар мавжуд. Масалан, Сариосиё, Термиз, Жарқўрғон туманлари фуқароларидан тушган 3 та, Музрабод туманидан битта, Узун туманидан 23 та шикоят шўъба корхонасининг шикоятлар бўйича тайёрланган ҳисоботига киритилмаган.

Корхона раҳбариятининг буйруғига асосан Учқизил, Бандихон, Сариосиё, Узун, Бойсун филиалларида симли радиоэшиттиришлар тармоғи бутунлай ўчириб қўйилган. Бу туманларда босқичма-босқич "эфир" радиоэшиттириш турига ўтиш пайсалга солинмоқда. Ўтган йил давомида корхона бўйича жами 426 та телефон ўрнатиш бўйича тушган аризалар ҳал этилмаган. Алоқа ходимларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермаслиги, туманларда алоқа хизматининг бугунги кун талаби даражасида эмаслиги ҳам корхона иш фаолиятида жиддий нуқсонлар борлигидан дарак беради.

Бундан ташқари, ўтган йили хориждан олиб келинган, қиймати 245 минг АҚШ долларига тенг бўлган радиотоварларнинг пулини тўлашда сансалорликка йўл қўйилмоқда. Бу каби далиллар шуни кўрсатадики, Сурхондарё вилоят "Телеком" шўъба корхонасида йўл қўйилаётган жиддий нуқсонларнинг кўлами кенгайиб бормоқда. Корхонадаги муҳитнинг бузилиш сабаби эса аён: нафс измига тушган айрим кимсалар жамоа меҳнатини ерга ураяпти. Бу эса ҳақли равишда норозиликларни келтириб чиқармоқда.

**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# ЎҒРИ мол эгасидан кучлими?

## ёки "Дипол"дан эҳтиёт бўлинг!

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Текшириб кўрилганда, албатта, бу шампунларда инсон ҳаёти учун зарарли, тиббий мақсадларда ишлатиш ман қилинган "ОП" кимёвий моддаси борлиги аниқланган. Бу факт Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси бошлиғи А.НЮнусхўжаевнинг 1999 йил 21 май куни имзоланган 29/407-сонли таҳлилий хулосаси билан исботланган. Бу хулосада "Ферузахон" фирмасининг "Жондор" аталмиш маҳсулотини тиббий мақсадларда ишлатиш маън қилинган. Ўзбекистон халқ табобати академияси кўча-кўйда сотувга чиқарилаётган "Ферузахон" фирмаси маҳсулоти бўлган сифатсиз "Жондор" шампунларидан фуқароларни огоҳлантириш мақсадида республика телевидениесида антиреклама уюштирди.

Б.Бешимов ҳам тинч ўтирмади. Мол эгасидан ўғри кучли, қабилида иш тутиб, у Тошкент шаҳар прокуратурасига арз қилди. Ўзича ниманидир исботламоқчи бўлди, ҳақлигига шаъма қилди.

Республика бўйлаб сифатсиз "Жондор" шампуни, "Ферузахон" фирмаси каби гаплар тарқалиб, сир ошкор бўлгандан кейин Б.Бешимов тўнини ўзгартирди. Зудлик билан "Ферузахон" фирмаси номини "Альфа-Омега" ва "Жондор"ни "Дипол" деб ўзгартирди. Иш хамирдан қил суғургандек битди. "Ферузахон"га шикоят қилувчиларни энди "Альфа-Омега" тан олмайди.

Тўнини ўзгартирган тадбиркор даставвал ишни Ўзбекистон халқ табобати академияси устидан Давлат солиқ қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига битган шикоятдан бошлади. (16 май 2000 йил 9-рақам билан жўнатилган шикоят № 02782 рақами билан солиқ идорасида қайд қилинган).

Унинг бу шикоятни ёзишдан муддаоси нималиги бизга қоронғу.

У шикоят хатида шундай ёзади:

"Сизлардан Халқ табобати академияси деган фирманинг чиқараётган "Жондор" шампунини текширишингизни ва баъзи саволларимизни ҳал қилишда ёрдам беришингизни сўраймиз:

1. Сотилган шампундан солиқ тўланилаяптими?
2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ва Республика СЭС давлат назоратидан рухсат олинганми?
3. "Жондор" шампуни Давлат стандартига жавоб берадими?
4. Бу шампун қайси заводда ёки қайси корхонада ишлаб чиқарилаяпти?
5. Қайси лабораторияда текширилиб, ишлаб чиқариш учун рухсат олинган?

Бу хатимиз икки нусхада бўлиб, юбориладиган жойлар (манзиллар):

1. Тошкент шаҳар прокуратурасига.
2. Соғлиқни сақлаш вазирлигига.
3. Тошкент шаҳар солиқ қўмитасига.
4. Республика Давлат СЭС назорат бошқармасига.

Кимё фанлари номзоди (имзо) Бешимов Б.М."

Ана холос. "Мол эгасидан ўғрининг кучлилиги" тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Лекин биз болаларнинг бошини ювишга мўлжалланган "Дипол" шампунининг сотувга чиқарилганидан воқиф бўлиб, қизиқиб кўрганимизда, у яна ўша «ОП» препаратидан тайёрланганлиги маълум бўлиб қолди. Биз бу ҳақда Навоий вилояти ички ишлар бошқармасига хат билан мурожаат қилдик. Бошқарма ходимлари "Дипол" шампунини таҳлил қилиш учун Тошкентга жўнатишларини ва ундан кейин аниқ бир қарорга келишларини маълум қилишди.

Тез орада Ўзбекистон халқ табобати академияси номига Навоий вилояти ички ишлар бошқармасидан "Шикоят ўз тасдиғини топмади", деган мазмунда жавоб хати келди.

Бу орада Тошкент шаҳар дорихоналарида "Дипол" кўплаб сотила бошланди. Табиийки, бунга бефарқ қараб тура олмадик. Бу ҳол билан қизиқдик. Ушбу маҳсулот сотилаётган "Интертехфарм" номли улгуржи савдо дорихонасидагилар "Бизга дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасидагилар "Дипол" шампунидан бошқасини қабул қилманглар ва сотувга фақат "Дипол"ни чиқаринглар, биз яқинда уни қайд қиламиз, деган кўрсатма беришди", дея елка қисишди. Биз буни эшитиб таажжубландик. Бу бошқармадагиларнинг "Ферузахон" фирмасида ишлаб чиқарилган "Жондор новий"-ни текшириб, унинг яроқсизлиги ҳақида хулоса беришса-ю, "Дипол"ни янада мўлроқ сотишни тарғиб қилишини қандай тушуниш мумкин? Афтидан, бу бошқармадагилар "Жондор" номини "Дипол"га ўзгартирган тадбиркорнинг қилмишларидан бехабар кўринади.

Аслида А.Собиров ўз мақоласига "Жондор" эмас, "Дипол"дан эҳтиёт бўлинг!" деб сарлавҳа қўйганида, ҳақиқатга тўғри келадиган иш бўлар эди. Чунки Б.Бешимовнинг олдида яна қанчадан-қанча ташкилотларни алдашдек "муқаддас вазифа" турмаганлигига ким кафолат бера олади?

**Муҳаммад ҲАМРОЕВ,**
**Ўзбекистон халқ табобати академияси бошқаруви раиси**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

***мазкур мақола муносабат тарзида берилмоқда. Унда билдирилган мулоҳазалар муаллифнинг шахсий фикрлари. Ўйлаймизки, мутасадди ташкилотлар жойлардаги вазиятни чуқур ўрганиб чиқиб, масалага ойдинлик киритади ва бу тўғрида бизга аниқ жавоб йўллашади.***



Овлоқ гўшалар таравоти

*Ҳуқуқий маърифат*

# ХОЛИС КИМ?

Айтайлик, ҳаётда кутилмаганда бир жиноят содир қилинди. Бу жиноят ишини қонун нуқтаи назаридан очиш, адолатни тиклаш учун табиийки, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари, хусусан, терговчи, прокурор, суриштирувчи тергов ҳаракатларини олиб боради.

Бир қарашда, жиноят ишини очишда ана шу шахсларнинг иштироки кифоя қиладигандек туюлади. Аммо амалдаги қонунларимизда бу жараёнга бошқа шахсларни ҳам иштирок этиши кўзда тутилган. Шулардан бири — холис шахслардир.

Хўш, холис шахс ким?

Уларни бу жараёнга жалб этишдан кўзланган мақсад нима?

Холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Албатта, холис шахсларни тергов ҳаракатларига жалб этишдан кўзланган мақсад — ҳар бир жиноятга адолатли баҳо бериш, ҳақиқатни таъмин этишдир. Чунки холис ўз номи билан холис, у жиноятчига ҳам, тергов орган ходимларига ҳам ён босмайди, балки жараёнга ўзининг холис ва тўғри муносабатини билдиради.

Кечаги шўро замонида маъмурий буйруқбозликнинг авж олиши натижасида гарчи, холислар жиноят ишини фош этишда расман иштирок этса-да, аксарият ҳолларда уларнинг адолатли фикр-мулоҳазалари, холис муносабати инобатга олинмасди.

Энг ёмони, фуқаролар бирон-бир жиноят ишида холис сифатида иштирок этишдан имкон қадар ўзларини четга тортишган. Нимага деганда, ишга холис сифатида жалб этилган киши ойлаб сарсон-саргардон бўлар, аниқроқ айтганда, охир-оқибат ўзи ҳам айбдор бўлиб қолишдан чўчирди. Чунки кечаги ҳаётимизда шундай ҳоллар ҳам учраб турарди.

Хўш, мустақил мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигида холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қай тарзда акс этган? Кимлар жиноят ишида холис сифатида иштирок этиши мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 73-74 моддаларида жиноят процессида кимлар холис сифатида иштирок этиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари батафсил баён этилган.

Шу ўринда холис ким, деган саволга жавоб берадиган бўлсак, у жиноят — процессуал кодексида кўзда тутилган ҳолларда тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун таклиф қилинган шахсдир. Уни таклиф этишдан кўзланган мақсад — кўрган ҳаракатларининг мазмуни ҳамда натижалари тўғрисида холис гувоҳлик олишдан иборатдир.

Албатта, ҳар бир жиноят процессида жалб этилган холисларнинг сони икки кишидан кам бўлмаслиги лозим. Холислар жараёнга иштирок этишдан аввал уларга суриштирувчи, терговчи ёки прокурор ҳуқуқ ва мажбуриятлари нимадан иборат эканлиги тўғрисида батафсил тушунча бериши шарт.

Умуман айтганда, уйни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш, ҳибсга олиш, гувоҳларни юзлаштириш, шахс ёки буюмларни аниқлаштириш, мулкни рўйхатга олиш, мурдани ташқи жиҳатдан кўздан кечириш ёки қабрни очиб кўриш, тергов эксперименти ўтказиш жараёнида, албатта, холислар иштироки таъминланиши зарур.

Шу ўринда бир савол туғилади: жиноят процессига кимлар холис сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас?

Аввало, шуни айтиш жоизки, холис сифатида вояга етган, жиноят процессидан ҳеч қандай манфаатдор бўлмаган ҳар бир фуқаро қатнашиши мумкин. Фақат жиноят ишини бевосита юритаётган ёки юритиш кўзланган мансабдор шахслар холис сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Шу билан бирга жиноят процессида холис сифатида ички ишлар органи, прокуратура, адлия ва суд идоралари ходимлари иштирок этса, уларнинг ҳаракатлари қонуний кучга эга бўлмайди.

Айбланувчи, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар ва гумон остига олинган шахслар ҳам холис сифатида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Суд муҳокамаси чоғида тергов ҳаракатлар юзасидан бирон бир тушунмовчилик ёки шубҳа-гумон пайдо бўлса, тергов жараёнига холис сифатида иштирок этган шахс суд мажлисига чақирилиб, гувоҳ сифатида сўроқ қилинади.

Жиноят – процессуал кодексининг 74-моддасида холис шахс тергов ҳаракатида иштирок этиш, тергов ҳаракати бўйича баённомага киритиш учун арз ва фикр-мулоҳазалар бериш, тергов баённомаси билан айнан танишиш, терговчи, суриштирувчи, прокурорнинг ҳаракати ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган.

Шу билан бирга холис шахс зиммасига қуйидаги масъулиятлар ҳам юкланади:

- терговчи, прокурорнинг чақирувчига биноан ҳозир бўлиш;
- тергов ҳаракатини ўтказишда бевосита иштирок этиш;
- тергов баённомасини имзо чекиб, тасдиқлаш;
- суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов ҳужжатларини ошкор этмаслик.

Агар холис шахс зиммасидаги бу масъулиятга хилоф иш тутса, ҳеч шубҳасиз, жавобгарликка тортилади. Масалан, у тергов ҳаракати баённомаси нотўғри тузилганини била туриб, кўр-кўрона имзо чекса, терговчи билан бир қаторда жиноят иштирокчиси сифатида жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилган тақдирда ҳам, у жавобгар бўлади.

Холис шахснинг юқорида қайд этилган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ташқари, агар у бирон бир ташкилотда хизмат қилмаса, ўртача ойлик маоши миқдорида ҳақ олиши, сарфлаган тергов жараёни мобайнида бошқа харажатларини ҳам ундириш ҳуқуқига эга.

Умуман айтганда, жиноий иш жараён холис шахсларнинг иштирокини таъминлашдан тузилган асосий мақсад бу — ҳар бир жиноятни қонуний жиҳатдан адолатли ҳал этиш, воқеанинг холислигини таъминлашдир.

**Абдумалик ИРСАЛИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

# ҚАРОР ТЎҒРИ ЧИҚАРИЛГАН

***Азиз газетхон!***

***Биз газетамиз саҳифасида ҳар бир таҳрирсиз мактубни чоп этар эканмиз, бу бир томоннинг фикри эканлигини таъкидлаб ўтамиз.***

***Албатта, газета энг аввало, адолатли ва холис фикр минбари. Биз ана шу тамойилга амал қилиб, таҳрирсиз мактубларга келган жавоб, яъни иккинчи томоннинг фикрини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.***

Газетанинг 2001 йил 21 август сонида чоп этилган "Мулкдорга муносабат шуми?" номли мақола Навоий вилояти хўжалик суди томонидан ўрганилиб чиқилди.

Аниқланишича, даъвогар Хатирчи туманидаги "Қурувчи-96" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоа аъзолари номидан адвокат Т.Қодиров даъво ариза билан судга мурожаат этиб, жавобгарлар Навоий вилоят "Жамоақурилиш" кооператив ва акциядорлик уюшмаси (собиқ "Ўзжамоақурилиштрести"), Хатирчи тумани ҳокимлиги, Навоий вилояти Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаларининг "Қурувчи-96" ОТХЖни тугатиб, юридик шахс мақомига эга бўлмаган қурилиш участкасига айлантириш тўғрисида қабул қилинган барча қарорларини бекор қилиб, "Қурувчи-96"ОТХЖни юридик шахс сифатида бўлган очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қайта айлантириб беришни сўраган.

Ушбу ариза суд муҳокамасида кўриб чиқилгач маълум бўлдики, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 апрелдаги 144-сонли "Капитал қурилишни бошқариш тизилмасини янада қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан Навоий вилоятида ташкил этилган комиссия "Ўзжамоақурилиштрест"га қарашли барча туманлардаги акциядорлик қурилиш корхоналари, жумладан, "Қурувчи-96" ОТХЖни ҳам тугатиш тўғрисида тавсия ишлаб чиққан. Шунга асосланиб, Навоий вилояти ҳокимининг 2000 йил 21 апрелдаги К-135-сонли, Хатирчи тумани ҳокимининг 2000 йил К-428-сонли қарорлари билан "Қурувчи-96" ОТХЖ юридик шахс сифатида тугатилиб, трест қошидаги юридик мақомига эга бўлмаган қурилиш участкасига айлантирилган.

Навоий вилояти ҳокими ва Хатирчи тумани ҳокими қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 апрелдаги 144-сонли "Капитал қурилишни бошқариш тизилмасини янада қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан қабул қилинганлиги сабабли суд даъвогарнинг даъвосини қаноатлантирмаган.

Суд қарорида суднинг ушбу ҳужжати устидан шикоят қилиш муддати ва тартиби тушунтирилган, аммо суд қарори устидан шикоят қилинмаган.

Бундан ташқари даъвогарга Хўжалик процессуал Кодексининг 26-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларидан келиб чиқадиган низоларни Олий хўжалик суди кўриб чиқиши тушунтирилган.

Суд ушбу даъво ариза кўриб чиқилганда қонун бузилишига йўл қўйилмаган деб ҳисоблайди.

**И.ЖЎРАЕВ,**
**Навоий вилояти**
**хўжалик судининг судьяси**

# НАФАҚА БАҲОНАСИДА САРСОН ҚИЛИШДИ




1983 йили Сурхондарё вилояти Денов тумани ИИБнинг соқчилик бўлинмасига оддий милиционер бўлиб ишга кирдим. Шу ерда 1991 йилгача ишладим. 1991 йил ноябр ойидан Божхона хизматига ўтказишди, у ерда 1996 йилга қадар ишладим. Сўнгра яна Денов шаҳар соқчилик бўлинмасига ишга қайтиб келдим ва бу ерда ишлаб юрган пайтимда аниқроғи, 1998 йил 1мартида кадрлар бўлимига чақиришиб, "хизматларинг етарли бўлди, нафақага чиқиш учун ариза ёз", — деб айтишди. Мен барча ҳужжатларимни тўғрилаб, Вилоят ИИБнинг кадрлар бўлимига топширдим.

ИИБдан нафақахўрлик гувоҳномасини ҳам беришди. Аммо, минг афсуски, 3-ойдан буён нафақа пули ололмай, 150 км йўл босиб, вилоят ИИБга қатнайман. У ердагилар ҳар хил баҳоналар билан менга шу пайтгача нафақа пулини беришмаяпти.

Яқинда аниқланишича, ҳужжатларим архивда экан. Менга "Сиз 1998 йилда 47000 (қирқ етти минг) сўм нафақа пули олгансиз" — деб ҳам айтишди, аммо мен ҳеч қандай пул олган эмасман.

5 нафар фарзандим учун олинадиган нафақа ҳужжатларини ҳам шу кадрлар бўлимига топширганман. Қарангки, 3 йилу 3 ойдан бери бу масала ҳам ҳал бўлмаяпди.

**Мамарасул ДАМИНОВ,**
**Денов тумани,**
**И.Тўраев номидаги**
**жамоа хўжалиги**

***Ушбу шикоят мактуби юзасидан журналист суриштируви ўтказилди ва таҳририят қуйидаги мазмунда жавоб хати олди:***

# ЁЗГАНЛАРИ ТЎҒРИ ЭКАН

Денов тумани ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмасида фаолият кўрсатиб келган собиқ милиция ходими Мамарасул Даминовнинг шахсий ҳужжатлари билан танишиб чиқилганда шу нарса аниқландики, Ички ишлар вазирлигининг қарорларига асосан унинг божхонада ўтаган хизмати 1994 йилнинг 5 сентябрь кунига қадар ҳисобланиши лозим бўлса-да, бу ишга мутасадди бўлган ходими Ш.Боймуратовнинг айби билан у 1997 йилнинг февраль ойига қадар ҳисобланган экан. Шунингдек, Ш.Боймуратов собиқ милиция ходими М.Даминовнинг божхонадаги хизмат фаолиятидаги бир йилни бир ярим йил деб қўшиб ҳисоблаган. Бунинг натижасида М.Даминовнинг умумий хизмат фаолияти 21 йил 1 ойу 10 кун, деб ҳисобланган. Бу эса собиқ милиция ходими М.Даминовнинг нафақага чиқишига 6 ой вақт бўлишига қарамай вилоят Ички ишлар бошқармасининг 1998 йил 27 апрель кунидаги 41-сонли буйруғи билан ноқонуний равишда нафақага чиқишига сабабчи бўлган.

Кўриниб турибдики, мутасадди ходим бўлган Ш.Боймуратов қаттиқ интизомий жазога лойиқ бўлган, хатоликка йўл қўйган. Лекин у вилоят ички ишлар бошқармасининг 2001 йил 10 март кунидаги 14-сонли буйруғи билан Ички ишлар идоралари хизматидан бўшатилганлиги сабабли унга нисбатан интизомий чора кўриш имконияти йўқ.

Собиқ милиция ходими Мамарасул Даминовнинг "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси таҳририятига йўллаган шикоят хатида келтирилган важлар тўғри топилганлиги боис ҳозирги кунда уни ички ишлар идоралари хизматига қабул қилиш чоралари кўрилмоқда.

**М.ҚОДИРОВ,**
**Сурхондарё вилояти**
**ИИБ ҳузуридаги**
**"Қўриқлаш"**
**бўлими ШТБИБ катта**
**инспектори**



# Савол беринг!

Уни хат ҳамда
133-70-65, 132-14-18
рақамли телефонлар
орқали кутамиз.

*Ҳурматли таҳририят ходимлари!*

*Мен газетанинг ҳар бир сонини катта қизиқиш билан ўқиб бораман. Менга хусусан, фермер, фермер-хўжаликлари ҳаётига оид мақолалар ҳамда ҳуқуқий маслаҳатлар (савол-жавоблар) рукни остида берилаётган маълумотлар манзур бўлаяпти. Уларни ўқир эканман, кўнглимдан кечган саволларимга жавоб топгандек бўламан. Шу боис кўнглимга тугиб юрган қуйидаги саволларни ҳеч тортинмай таҳририятга йўллашга аҳд қилдим.*

*1. Кредит олиш учун қандай таъминот турларини гаровга қўйиш керак?*

*2. Ер участкасини ижарага бериш ҳуқуқи суғурталанган бўлса, фермер Низомининг 27-моддасига биноан кредит олиш мумкинми?*

*3. Туман Деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллиги ҳамда фермер хўжаликлари уюшмаларининг муҳрлари босилган кафолат хатлари орқали кредит олиш мумкинми.*

**Шавкат БОБОЖОНОВ,**
**Хоразм вилояти, Гурлан туманидаги,**
**"Қуролҳосилот" фермер хўжалиги раҳбари.**

***Сизнинг саволларингизга Адлия вазирлиги қонунчилик бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси Сардор Тоганов жавоб беради.***

Фуқаролик кодексининг 267-моддасига биноан ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаровга қўйилиши мумкин. Муомиладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан боғлиқ бўлган талабномалар, ҳамда шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустасно.

"Гаров тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасига асосан агар гаров тўғрисидаги шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мол-мулкка нисбатан гаров ҳуқуқи мол-мулкнинг таркибий самарасини ҳам ўз ичига олади. Гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган самара, маҳсулот ва даромадларга нисбатан гаров ҳуқуқи шартномада назарда тутилган ҳолларда тадбиқ этилади.

"Суғурта тўғрисида"ги қонунининг 3-моддасига асосан ҳуқуқлар суғурталаниши мумкин. Суғурталаш кредит беришда гаров ва бошқа мажбуриятларни таъминлаш воситалари билан биргаликда қўлланилиши мумкин, лекин ер участкасини ижарага бериш ҳуқуқини баҳолаш меъёрлари ва гаровга олинган ижара кредити қайтарилмаганда ижара ҳуқуқига ундирувни қаратиш тартиби белгиланмаганлиги сабабли ер ижараси ҳуқуқини гаровга олиб, кредит бериш жорий этилмаган.

Фуқаролик кодексининг 299-моддасига биноан фермер хўжаликларига кредит олиш учун фақат банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти кафолат хати бериши мумкин. Туман Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги, фермер хўжаликлари уюшмаси Фуқаролик кодексининг 292-моддасига асосан кафиллик шартномаси асосида ёзма мажбурият олишга ҳақли.

## *Оталар дейдики:*

***Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.***

* * *

***Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир.***

* * *

***Доно кишининг тили уни бахтсизликдан асрайди, ярамас кишининг тили эса бошига кулфат келтиради.***

*Тарихга бир назар*



# «ЭЗГУ ЙШЛАРНИ АЛҚАЙМАН...»

Миллий давлатчилигимиз ва қонунчилигимиз тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Чунки кишилик жамияти ҳар доим муайян қонунларга эҳтиёж сезган.

"Авесто" — зардуштийлик таълимоти ҳозирги замон давлатчилиги ва қонунчилиги учун лиммо-лим бир булоқ, сарчашма, десак янглишмаймиз. "Авесто"да талқин этилган олам қарама-қаршилиги, ёруғлик ва зулмат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлимнинг ўзаро кураши ҳақидаги қарашлар ҳозирги дунё қомуслари, қонунлари, қоидалари, тамойиллари, удумлари ва анъаналарига сингиб кетгани бунинг исботидир. Эзгулик ғалаба қозонмоғи учун одамлар иймонли, эътиқодли, инсофли, диёнатли бўлмоғи, Ахура Маздананг ўгит ва маслаҳатларига, у юборган қонун ва қоидаларига амал қилмоғи зарур. Адолат ва ҳақиқат шундагина қарор топади. Иймонсизлик, инсоф-диёнатдан айрилиш каби иллатлар эса инсонни ҳалокатга олиб келади, деб уқтирилади китобда. "Авесто" иймон-эътиқод одамларни ёмонлик йўлидан қайтаради, уларни поклайди ва баркамол қилади, деб ўгит беради. Зардуштийлик таомилига кўра, одамлар уч тамойил: ниятнинг эзгулиги, сўз ва шартларнинг бутунлиги, амалларнинг инсонийлигига иймон келтириб яшамоғи шарт. Бу ҳақда ("Авесто"нинг "Аша" қасидасида) қуйидаги ўлмас жумлалар мавжуд: "Эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу ишларни алқайман.

Ўзимни буткул эзгуликка, эзгу ўз ва эзгу амалларга бахшида этаман, барча қабиҳ ўй, ёмон сўз, ёмон ишлардан тияман".

"Ҳақиқат — олий неъмат. Бу неъматдан ул киши баҳраманд-ким, савоб унга бўлғай, ким агар ҳақ йўлида савоб ишдан қочмаса..."

Инсонни юксак ахлоқий фазилатларга чорловчи қуйидаги шеърий жумланинг аҳамияти ҳам биз — аждодларнинг дилида абадулабад яшамоғи даркор:

***"Мен борлиқнинг қўриқчисиман,***
***Номдир менга тағин ҳимоя,***
***Яна бир ном билгувчиликдир,***
***Воқифликдир яна бир тарзим.***
***Менинг номим***
***алдовсизликдир,***
***Менинг номим Асрагувчидир,***
***Яна номим эзгу фароғат,***
***Ҳаққоният яна бир номим".***

Қомусий асарнинг қиммати даъваткорлигида, ўгитлар, панду насиҳатлар, нақллар, ҳикматларга бойлигидадир. Бу — шубҳасиз китобнинг ибратли жиҳати. Бироқ китобнинг яна бир ибратли жиҳати ҳам борки, ундан давлатнинг куч-қудрати, жамият аъзоси мажбуран ўтамоғи зарур бўлган бурч ва мажбуриятлар кўламларини ҳам билиб оласиз. "Ер, сув, ҳаво, оловни асраш қоидаларини бузган киши 400 қамчи жазосига маҳкумдир", деб уқтирилиши китобнинг мукаммал қонун мақомидаги таъсир кучини ҳам яққол кўрсатади.

Китобда ўз ифодасини топган ота-она ва фарзанднинг ўзаро муносабатларига оид мажбуриятлар белгиланган меъёрларга риоя қилмаганларни жазолаш, дакки бериш ва огоҳлантириш чоралари ҳам баён этилади. Юрт бошлиқлари, ҳукмдорлар шаънига айтилган сўзларда бир олам ҳикмат ва маъно бор. Асар уларни юрт осойишталигини таъминлашга даъват этади, халқ фароғонлиги йўлида хизмат қилиш энг олийжаноб ва муқаддас вазифа дея уқтиради.

Аждодларимиз бой тафаккури, теран салоҳиятининг меваси бўлмиш ушбу асарнинг эзгуликка чорловчи бу каби сабоқлари адоғсиз ва уни бир мақола ёки суҳбат асносида баён этиш амри маҳолдир.

Яқинда умри далада — заҳматли меҳнат бағрида ўтаётган узоқ танишларимдан бири билан суҳбатда бўлдим:

— Ўз туғилиб-ўсган юртини кимлар кўпроқ сева олиши ҳақида ўйлаганмисиз? — даб-дурустдан савол берди суҳбатдошим. Афтидан суҳбатдошим саволни бежиз бергани йўқ. Савол боис нималарнидир сўйлаб, юрагини бўшатмоқчи. Шуни англадиму жавобга кўпам шошилмадим. Жавоб тариқасида чеҳрасига савол назари билан разм солиб туравердим.

— Юртини севганлар туғилиб-ўсган тупроғини ҳеч маҳал ташлаб кетмайди. Бирон касб-корнинг барини ушлаганлар, деҳқончилик ва чорвачиликка кўнгил берганларнинг аслида кимлигини биласизми? Кимки касб-кори ва юмушига боғланиб қолдими, демак, унга бу иши маъқул. Бировларга нафи тегиб, иззат-ҳурмат топиб, тинчгина яшаётган одамни ақалли нариги маҳалла ёки қишлоққа ўтиб яшашга ундаб кўринг-чи, кўнармикан? Йўқ, кўнмайди. Чинакам ватанпарварлик шу эмасми? Тўғрисини айтганда, шу пайтгача бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман. Бу гаплар "Авесто"га ҳам битилганлигини билдиму худди йўқотганимни топгандай бўлдим, — деди суҳбатдошим пировардида. — Менимча, "Авесто"ни ўқиганлар бу каби ҳикматларнинг кўпига ошно бўлишади.

Бир гал олий илм даргоҳида таълим олаётган бир талабанинг илмини имтиҳон қилдик. Унга "Нега балоғат ёши дунё мамлакатларида 17 ёки 18 қилиб белгиланган?" деган саволни бердик. У эса "Авесто"ни ўқиган киши бу саволга жуда аниқ жавоб олади, дея ғоят бурро жавоб берди ва асарнинг бола тарбиясига оид қасидасидан жуда ўринли мисол келтирди.

Бундай ҳаётий мисолларга мурожаат қилишликнинг боиси бор: "Авесто" — халқимиз дилини забт этган ўлмас асар ва ундаги ғоялар ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимиз учун яна бир ёрқин машъаладир. Ундан баҳраманд бўлганлар ҳамиша эзгуликка, ҳалоллик, поклик ва ҳақиқатга интилиб яшайди. "Авесто" бизни наинки, ижобий фазилатлар уфқига етаклайди, балки тафаккури бой маънавияти соғлом аждодларнинг муносиб ворислари эканлигимизни англатиб туради.

**Отабой ДЎСЖОНОВ,**
**фуқаролик ишлари**
**бўйича**
**Хоразм вилоят судининг**
**раиси**

*Жаҳон тажрибаси*

# АҚШДА АДВОКАТЛИК ИМТИҲОНИ

Америкада ҳуқуқшунос дипломига эга бўлган ёш мутахассис олдида, агар у адвокатлик йўналишини танлаган бўлса, навбатдаги асосий вазифа — адвокатлар ассоциациясининг тўлақонли аъзоси бўлиш саналади. Акс ҳолда, ёш мутахассиснинг жамиятда адвокат сифатида иш бошлаши анча мушкул кечади. Албатта, ассоциацияга аъзо бўлиш ҳам осон эмас, балки ўзига хос синовдан ўтиш зарур. Бу синовнинг ташкилий жиҳатлари, савол-жавоб ва мазмун-моҳияти барча жойда бир хил эмас, балки ҳар бир штатда турлича кўринишга эгадир. Бу — бежиз эмас, албатта. Чунки АҚШдаги ҳар бир штатнинг ўз қонунчилик тизими мавжуд. Бўлажак адвокат ўзи фаолият кўрсатишни кўзлаган штатнинг амалдаги қонунлари талаби асосида қўшимча имтиҳон топшириши шарт. Адвокатлик имтиҳонини топшириш ва бу жараён билан боғлиқ талаб ҳамда масъулият ҳам ўзига хос жиҳати билан ажралиб туради.

Аввало шуни айтиш керакки, имтиҳоннинг нечоғлик мураккаблиги ҳар бир штатда фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг умумий сонидан келиб чиқиб белгиланади. Буни соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, адвокатларнинг ўртасида ижобий маънодаги рақобат, табиийки, ёш мутахассисларнинг синовдан ўтишига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Агар маълум бир штатда адвокатлар сони кўп бўлса, табиийки, синов жараёни мураккаб кечади, уларнинг сони кам бўлса, нисбатан енгиллик туғилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Нью-Йорк штати ўзаро рақобатнинг юқорилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун адвокатлик йўналишини танлаган ёш мутахассислар бу штатда одатдаги синовдан ташқари махсус суҳбатдан ҳам ўтади. Иккинчи томондан у, гарчи, Америка сингари демократик мамлакат учун бироз ғайритабиий туюлса-да, аммо адвокат сифатида фаолият юритиш учун фуқаролик мақомига эга бўлиши шарт.

Яна айтиш керакки, синовдан ўтиш тамойили ва талаблари у ёки бу штатнинг Олий Суди томонидан умумий қонунлардан келиб чиқиб белгиланади. Синовни ўтказиш ва амалда ташкил қилиш ҳар бир штатдаги адвокатлар ассоциацияси (бизда коллегияси)нинг мутлақо ички иш ҳисобланади. Синов ҳайъатини тузиш тартиби турли штатларда турлича талаблар асосида амалга оширилиши мумкин. Масалан, баъзи штатларда имтиҳон олувчилар таркибини адвокатлар ассоциациясининг раҳбарияти белгиласа, бошқаларида суд томонидан ёки штат губернатори томонидан тайинланади. Бўлажак синовнинг муваффақиятли ўтиши, адвокатликка номзоднинг билими билан бирга унинг маънавий ҳамда ахлоқий сифатларни нечоғлик эгаллаганига чамбарчас боғлиқдир.

Адвокатликка номзоднинг ахлоқий жиҳатларини ўрганиш тақдим этган сўров ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Агар бу борада қандайдир шубҳа ёки ишончсизлик туғилса, ҳайъат комиссия аъзолари номзод ҳужжатларини хуфёна тарзда текшириб кўриш ҳуқуқига ҳам эга. Синов жараёнинг муҳим жиҳатларидан яна бири шуки, ҳар бир адвокатликка номзод ёш мутахассис шу штатда фаолият кўрсатаётган кекса адвокатларнинг бир неча нафаридан тавсия ва тавсифнома олиши зарур.

Адвокатлик синовига муносабат жиддий бўлгани учун куни кеча ҳуқуқшунослик ўқув юртини тугатган ёш мутахассислар дарҳол ўзлари танлаган штат қонунчилигини чуқур ўрганишга ҳаракат қилади. Бунинг учун улар махсус ўқув курслари ва хусусий муаллимлар хизматидан кенг фойдаланадилар. Чунки улар ўқув юртларида ҳуқуқшунослик бўйича умумий билим олишади. Амалий фаолиятга киришдан аввал улар штатнинг ўзигагина хос қонунчилик тизимини ўрганиш ва ана шу билимлар асосида имтиҳон топшириши шарт.

Бунинг устига бу юмуш ўзига хос харажат талаб қилади. Айтайлик, улар қонунчилик мажмуини ўрганиш учун 1000 АҚШ доллари кўпроқ маблағ сарфлашади.

Яна шуни айтиш жоизки, адвокатлик синовлари икки босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқич 25-30 та саволдан иборат бўлиб, у тест тарзда ўтказилади. Саволлар асосан Конституция, федерал қонунчилик, штатларнинг ўзига хос қонунлари, Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тартиби ҳақида бўлади. Иккинчи босқич эса — 25-30 та саволдан иборат бўлиб, унда муайян штатнинг хусусий қонунчилиги, меъёрий ҳужжатлари ҳақида фикр-мулоҳазалар ёзма иш тарзида топширилади. Биринчи марта синовда иштирок этишда номзодлардан ҳеч қандай харажат талаб этилмайди. Шунинг учун ундан 40-60 фоиз номзод ўта олади. Иккинчи ёки учинчи марта омадини синаб кўришга киришган номзодлар аниқ белгилаб қўйилган миқдорда пул тўлаши шарт. Синовда бир марта иштирок этишнинг ўртача баҳоси 400 долларни ташкил этади.

Адвокатлик синовларидан муваффақиятли ўтиш, ҳеч шубҳасиз, катта ютуқ саналади.

Энг муҳими, ана шундай шарафга муяссар бўлган йигит ёки қиз энди бемалол оила қуришни режалаштириши мумкин. Чунки у энди мустақил ҳаётга қадам қўйган, ўзини ва оиласини моддий томондан таъминлайдиган шахс ҳисобланади. Бунинг устига АҚШда адвокатлик сердаромад ва обрўли касб саналади. Синов жараёнларидан сўнг орадан олти ой ўтгач, ёш мутахассиснинг қўлига адвокатлик рухсатнома тегади. Бу маросим катта тантана билан амалга оширилади. Айниқса, АҚШ Олий судида адвокатлик лавозимида хизмат қиладиган шахсларга бўлган талаблар ўзига хослиги билан ажралиб туради. 1946 йилдан буён ушбу даражадаги адвокатлар учун ягона талаб-камида уч йил федерал округ суди ёки штат Олий судида фаолият кўрсатган, Олий суд судяларидан бири томонидан имзоланган ижобий тавсифнома амалда қўлланиб келинмоқда. Одатда, АҚШда адвокатлар асосан битта штатнинг (жуда кам ҳолларда иккита штатнинг) адвокатлар ассоциациясига аъзо бўлиши мумкин.

АҚШ адвокатлари учун энг оғир жазо (албатта, қамоқхонадан ташқари) бу "дисбар", яъни штатнинг адвокатлар коллегиясидан (ассоциациясидан) чиқарилиши саналади. Бундай жазо "ўйин қоидаларини" бузганлиги, адвокатлик касбига хиёнат қилганлиги учун берилади.

Бундай жазога мустаҳиқ бўлган адвокат ўзининг яшаш жойини ўзгартириши аниқ. Чунки бир мартагина ўз номига доғ туширган, ишончни йўқотган адвокат учун нон топиб ейиш жуда оғир кечади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, АҚШда адвокатлик синови – доимий синовдир. Ўз касбини улуғлаш, касбга тайинлашнинг қатъий тартиби, субъективизмдан узоқлашиш, доимо ўз мижозининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масъулияти — буларнинг барчаси ўрнак олса арзийдиган Америка тажрибасидир.

**Рус тилидан**
**Дилмурод МУҲАММАДИЕВ**
**таржимаси**

# НОТАРИАЛ ХИЗМАТ – ИШОНЧ КАФОЛАТИ

Автобусда ёнма-ён кетаётган ҳамроҳим йўл-йўлакай мен билан суҳбатлашиб борди. Қирқ ёшлардаги бу аёл қарзини ундириш мақсадида Паркентга кетаётган экан.

- Тўққизинчи марта боришим. Унга бундан 3 йил муқаддам минг доллар қарз бергандик. Афсуски, танишимиз ҳалигача қарзини узмасдан қочиб юрибди. Эрим ногирон, беш нафар фарзандимиз бор. Қарзимизни ундириш учун жуда кўп ташкилотларга ёрдам сўраб бордик. Аммо натижаси бўлмади. Сабаби, ўртада ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирилмаган эди,— дейди у маъюс оҳангда.

Унга таскин берган, юпатган бўлдим. Афсуски, бировга қарз бериб, уни ундиролмай юрганлар ёки мол-мулкини гаровга қўйиб, алданиб қолаётганлар ёхуд мерос, мол-мулк талашиб юрганлар ҳам орамизда учрайди. Бундай нохуш ҳолатларга тушиб қолмаслик учун нима қилмоқ керак? Қолаверса, олди-сотти, қарз-қурз олиш-беришда шунингдек, мерос ҳуқуқидан фойдаланишда қандай йўл тутмоқ керак?

Сир эмаски, ҳозирги шароитда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлганлар анчагина. Бундай кишиларга эса фаолиятини йўлга қўйиш учун, аввало, маблағ керак бўлади. Кўриниб турибдики, бўлғуси тадбиркор қўли калталик қилгани боис таниш-билишларидан ёрдам сўрайди. Баъзан қарз олувчи қарз берувчини ишонтириш учун ҳатто ҳовли-жой, уй дафтарини ҳам қўлга тутқазиб "Мана шу уй ҳужжати сизда тура қолсин. Бордию қарзимни тўлай олмасам, уй-жойим, сўзсиз сизники бўлади!" — дегувчилар ҳам учраб туради. Баъзи ҳолларда эса бошқаларнинг уй дафтарини кўтариб, "Шу уйни менинг номимга ўтказиб беринг", — дегувчилар ҳам топилади...

Сўнгги йилларда нотариал идораларга мурожаат қилувчилар сони анча кўпайди. Жумладан бизга мурожаат этганлар сони ўтган йилдагидан қарийб икки баровар ошди. Гап шундаки, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқий тарбияни кучайтириш жараёни нотариусларга ҳам катта масъулият юклайди. Биз, асосан, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш, фуқароларнинг, шунингдек, юридик шахсларнинг мулкий ва шахсий ҳуқуқларини ўзига хос усуллар орқали ҳимоя қилиш билан шуғулланамиз. Масалан, битимларни, васиятномаларни тасдиқлаймиз, эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида, кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олингани ҳақида гувоҳномалар берамиз. Мерос ҳуқуқининг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш, ҳужжат нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини, ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш, шунингдек, пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга, ҳужжатларни эса сақлаш учун қабул қилиб олиш каби вазифаларни адо этамиз.

Бизга мурожаат этган фуқароларга ҳужжатларнинг қонунга мос равишда тузилишига ёрдам кўрсатамиз ва тасдиқлаб берамиз. Йилнинг ўтган биринчи чораги давомида уй-жойни тасарруф этиш бўйича 89 та, автомашинани тассарруф этиш бўйича 108 та шартнома расмийлаштирилди. Бир қанча мерос ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳномалар берилди, гаров ва қарз шартномалари тасдиқланди. Васиятномалар, кафолатномалар, эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар расмийлаштириляпти. Умуман, йил бошидан буён шунга ўхшаш мингга яқин нотариал ҳаракатларни амалга оширдик.

Бугунги кунда мамлакатимизда нотариал хизматни амалга оширишда муқобил хизмат кўрсатиш тизими юзага келди. Яъни, жойларда давлат нотариал идоралари билан бирга хусусий нотариал хизмат идоралари ҳам пайдо бўлди. Бошқача айтганда, фуқароларда танлаш имконияти юзага келди.

Хўш, фуқаролар эҳтиёж туғилганда нотариал идораларнинг қайси бирига мурожаат этганида кўпроқ наф кўради, деган саволнинг туғилиши табиий. Аввало, нотариал хизматнинг ҳар икки турига нисбатан қўйиладиган талаб бир хил. Яъни, улар ҳар қандай нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга ва бир хил мажбуриятларга эга. Улар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик аҳамият касб этади.

Халқимиз ўта андишали. Ҳар қандай олди-сотди муносабатларини расмийлаштириб қўйишга тортинади. Чунки бир-бирига ишонишади. Баъзи кишилар эса ишончни суиистеъмол қилишади. Оқибатда эса юқоридагига ўхшаб қўл билан берган, оёғи билан югуради. Ваҳоланки ҳар қандай олди-сотди, қарз олиш, қарз бериш муносабатлари тегишли ҳудуддаги нотариуслар томонидан ўз вақтида расмийлаштириб қўйилса, қонун бузилишининг олди олинган бўлур эди. Энг муҳими, кўмак истаб мурожаат қилган томоннинг мушкулини осон қилиш имконияти туғилади.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролар қайси нотариус — хоҳ у давлат идорасида, хоҳ хусусий тарзда ишлаётга мутахассис бўлсин, ўз вақтида мурожаат қилса, ўзларининг мулк ва мерос ҳуқуқларини қонуний расмийлаштириб қўйса, нотариал хизматлардан кенг фойдаланган ҳолда васиятномалар, қарз шартномалари тузиб, тасдиқлатиб олса, кейинчалик ҳар қандай низоларнинг, кўнгилсизликларнинг олдини олган бўлади.

**Собиржон ИСКАНДАРОВ,**
**Қуйичирчиқ тумани давлат катта нотариуси**

## ЛОҚАЙДЛИК – ФАЛОКАТГА ЕТАКЛАЙДИ

***"Ўз уйингни ўзинг асра!" хитоби кундалик ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб улгурди. Лекин ҳаётимиз, юртимиз осудалигига дахлдор бу сўзларга нисбатан ҳам бефарқлик қилсак, оқибати нима бўлишини ўйлаб кўриш қийин эмас. Аммо таассуфки, кўпчилик табиатида лоқайдлик мавжуд. Яхшиямки, маҳалламиз, кўчамизнинг беминнат қўриқчилари бор. Осуда оқшомларда биз учун кимнингдир тунни бедор ўтказаётгани хаёлимизга ҳам келмайди. Лекин ички ишлар бўлимлари жиноят-қидирув бўлинмаси ходимлари учун тинчлик учун бедор яшаш кундалик юмушга айланган.***

***— Ўша куни соат тунги 4 эди, — дейди биз билан суҳбатда Мирзо Улуғбек тумани жиноят-қидирув бўлинмаси катта тезкор вакили, милиция капитани Равшан Алимов. — Бинойидек кийинган, қўлида сўмка кўтариб кетаётган бир одам бизда шубҳа уйғотди. Тўхтатиб, сўмкасини текшириб кўрдик. Омбур, отверткадан бошқа ҳеч нарса йўқ. Лекин унинг тун ярмида бекорга юрмаганини кўнглимиз сезди. 1981 йилда туғилган Г.Карташевни бўлинмага олиб келиб, сўроқ қилдик. Кейин маълум бўлишича, у шу кечаси атрофдаги кўп қаватли уйларнинг олдида қаровсиз қолдирилган машиналарнинг магнитафон ва қимматбаҳо буюмларини ўғирлаб, бир чеккага кўмиб қўйган. У хавф йўқолгандан кейин буюмларни олиб кетишни режалаштирган.***

***Милиция ходимларининг синчковлиги туфайли унинг яна бир нечта жиноий шериклари ҳам аниқланди. Шу ўринда ҳеч қаерда ишламай, бировларнинг ҳисобига яшаётган бундай текинхўрлар нахотки маҳалладошларининг, қўшниларининг эътиборини тортмайди, деган савол туғилади. Бироқ афсуски, кўп ҳолларда шундай бўлиб қолмоқда. Агар ички ишлар ходимлари Г.Карташев ва унга ўхшаган тунги қароқчилар фаолиятидан вақтида хабар топмаганларида жуда кўп одамлар эрталаб туриб, ойналари синдирилган машинасини, унинг ичидан ўғирлаб кетилган буюмларини ўйлаб, хуноб бўларди.***

**Норгул АБДУРАИМОВА**



*Гиёҳвандлик — иллат!*

## «НОКАСНИНГ НОСҚОВОҒИ»

Турфа жонзотлар орасида фақат одам боласига ақлу фаросат ато этилган. Шу боисдан одамзодни олам гултожи, деб атайдилар. Бироқ бу рангин дунёда шундай кимсалар ҳам учрайдики, уларнинг қилмишини кўриб, шуям одам наслиданми, дея ўз-ўзингга савол берганингни билмай қоласан. Китоблик Баҳром Умарбеков ва Бахтиёр Раҳимов инсон боласига ярашмайдиган ишга қўл урди. Ёши қирқни қоралаб қолган, 3 нафар фарзанднинг отаси бўлган Баҳром ўтган йилнинг феврал ойида томорқасига буғдой ёки сабзавот экинлари экиш ўрнига ажал уруғини қадайди — кучли наркотик моддаларга бой бўлган ўсимликни хуфёна экди. Вақти етгач, унинг ҳосилини йиғиб олади. Унинг бир қисмини ўзи истеъмол қилади, қолганини эса қоғоз бўлакларига ўраб, сотиш мақсадида яшириб қўяди. Шу йилнинг 22 март куни ўзига ўхшаган нашаванд кимса — Раҳимов Бахтиёрга 20000 сўмга 20 грамм наркотик моддани сотади. Орадан тўрт кун ўтиб, ички ишлар бўлимининг ходимлари томонидан тўхтатилиб, холислар иштирокида тинтиб кўрилганда, чўнтагидан иккита қоғоз бўлагига ўралган ўткир ҳидли, яшил баргли ўсимлик моддаси чиқади. Тегишли ҳужжат асосида унинг уйида тинтув ўтказилганда яна 0,5 грамм марихуанна моддаси топилади. Баҳром Умарбеков наркологик экспертизадан ўтказилганда, у бангиликка чалингани аниқланди. Судланувчи Бахтиёр Раҳимов эса Баҳромдан 20000 сўмга сотиб олган 20 грамм гиёҳванд модданинг бир қисмини истеъмол қилган, қолганини эса сотиш мақсадида яшириб қўйган. Кўза кунда эмас, кунида синади, деганлари рост экан. Китоб туман ИИБ ходимлари томонидан гиёҳвандликка қарши тадбир ўтказилганда Бахтиёр 1,5 грамм марихуанна моддасини Эргашев Асқарга 2000 сўмга сотаётган чоғида қўлга олинди. Аввал ҳам судланиб, жазодан тегишли хулоса чиқариб олмаган Бахтиёр Раҳимовга Китоб туман жиноий ишлар суди қонуний жазо берди. Шунингдек, Жиноят Кодексининг 96-моддасига биноан жазони ўташ даврида гиёҳвандликка қарши мажбурий даволанадиган бўлди. Ушбу ҳукм унинг шериги Баҳром Умарбековга нисбатан ҳам чиқарилди. Ачинарлиси шундаки, Баҳромнинг 3 нафар, Бахтиёрнинг 2 нафар вояга етмаган фарзанди, кекса ва касалманд ота-оналари бор. Шундай бўлса-да, жиноятга яраша жазо берилди. Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг "Нокаснинг носқовоғидан ҳам ҳазар қил", — деган гапи нечоғлик тўғри эканлиги яна бир бор ўз исботини топди.

**Шавкат АШУРОВ,**
**Китоб туман жиноий ишлар судининг раиси**
**Ғози РАҲМОН,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## УМР САВДОСИДА АДАШГАН ЁМОН

Оила жамиятнинг мўъжаз кўринишидир. У инсон ҳаётига бахт, тўкислик бағишлайди. Агар у соф инсоний туйғулар, муҳаббат, ўзаро тотувликка асосланган бўлса, оилавий ҳаёт ҳам, ундаги муҳит ҳам барқарор бўлади.

Халқимиз аёлни уйининг чироғи, миллат келажаги, деб бежиз улуғламайди. Оиланинг тинч-тотув, мустаҳкамлиги, унда ҳамма ҳавас қилса арзийдиган соғлом муҳитни юзага келтириш, фарзандлар тарбияси кўп жиҳатдан аёлнинг оқилалиги, ақл-заковати ва фидойилигига боғлиқ. Шу маънода донишмандлар агар эркакка таълим берсанг бир кишини тарбиялаган бўласан, аёлга таълим берсанг, бутун миллатга тарбия берган бўласан, дея бежиз эътироф этишмаган.

Касб-коримиз тақозосига кўра деярли ҳар куни ҳар хил кайфиятдаги, турфа феъллы хотин-қизлар билан учрашиб, суҳбатлашишга тўғри келади. Ҳаётда ўз ўрни, бахт-саодати ва иқболини топган аёл билан суҳбатлашсанг, унинг нур балқиган чеҳрасига боқиб тўймайсан, киши. Ана шундай саодатли дийдорлашувларни қўмсаб яшайсан. Аксинча, ҳаётда қандайдир тасодиф туфайли бахтсиз бўлиб қолган аёлни кўрсанг, ҳатто ўзингни унинг кўз ёшларини артиб қўйишга-да ожиз сезасан.

Кўпинча ёш келин-куёвларнинг ажралишларига, оилаларнинг бузилишига бир-бирларини фақат зоҳиран таниш, юзаки синовлар билан турмуш қурилганлиги сабаб бўлади. Ёки йигит-қизлар ўрнига ота-оналар, яъни бўлажак қудалар "аҳду паймон" қилишади. Ваҳоланки, икки ёшнинг раъйига қараш, уларнинг хоҳиш-иродасини инобатга олиш, ҳеч шубҳасиз, келажакда оиланинг устунлари мустаҳкам бўлишига хизмат қиладиган омиллардан биридир.

Биз одатда оила қуришга аҳд қилган йигит ва қиз, керак бўлса, уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтазаяпмиз. Қурилажак оиланинг масъулияти, увол-савоби ҳақида тушунтириш ишлари олиб бораяпмиз. Баъзан ёш оилаларда кутилмаган зиддиятлар чиқиб қолса, уларни муросага келтиришга ҳаракат қилаяпмиз, оилани сақлаб қолиш чораларини кўраяпмиз. Бу савоб ва хайрли ишларга оқсоқоллар, нуроний, кайвони онахоналарни ҳам жалб қилаяпмиз. Яна тажриба шуни кўрсатадики, кўпинча никоҳни бекор қилиш тўғрисида мурожаат қилаётган ёш келин-куёв ўз даъволарида феълатворлари тўғри келмаганини важ қилиб кўрсатишади. Очиқ айтиш керакки, бундай ҳолатлар кўпинча яқин қариндошларнинг қуда-андачилиги, ёшларнинг кўнглига қарамаслик туфайли ҳам юзага келмоқда. Натижада уруғ-аймоқлар, қондош биродарлар ўртасидаги муносабатлар бузилиб, оилавий нохушликлар вужудга келаётир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, яқин қариндошларнинг оила қуриши тиббиёт нуқтаи назаридан қораланади. Чунки бундай никоҳ натижасида мажруҳ ва ақлан заиф болалар дунёга келади. Бу каби нохушликларнинг олдини олиш мақсадида ҳозир мамлакатимизда никоҳдан олдин ёшларни тиббий текширувдан ўтказиш шарт қилиб белгиланган. Ушбу мажбурият Оила кодексининг 17-моддасида алоҳида қайд этилган.

Оила мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида бўлимимиз қошида "Оила дорилфунуни"ни ташкил этдик. Унда оилавий муносабатларга доир қимматли маслаҳатлар, бурч ва мажбуриятлар ҳақида суҳбатлар уюштирилади. Мазкур дорилфунун сабоқларидан бўлажак келин-куёвлар, ёш оилалар, қолаверса, бошқалар ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Буларнинг бари оилани мустаҳкамлашга хизмат қилиши баробарида ёшларнинг умр савдосида адашмаслигига ёрдам беради.

**Зулфия МИРЗАЕВА,**
**Сариосиё тумани ФҲДЁ бўлимининг ходими**

*Алҳазар!*

## ЎЗИГА ЎРГАН БАЛО

Оқ сут бериб, меҳр билан фарзанд тарбиялаган она ҳамиша ҳурмат билан эъзозланади. Бироқ Шаҳрисабз шаҳридаги Собир Раҳимов номидаги кўчанинг 12-уйида яшовчи Маъмура Файзиева ҳурматга эмас, балки маҳалла-куй, қавму-қариндошларнинг нафрат ва лаънатига сазавор бўлди. Бинойидай ўғил тарбиялаб, орзу-ҳаваслар билан келин туширди-ю шартта айниди. Энди у тўнини тескари кийиб, ўз хонадонида ҳар куни жанжалнинг "хамиртуриш"и бўладиган бўлди. "Чаён" бўлиб "чақиш"ни аввал келинидан бошлади. Ўтирса ўпоқ деди, турса — сўпоқ, деди. Келин кўникиб кетарман, дея аввалига хўп чидади. Келиннинг бош эгиб туришидан эса қайнона баттар авжига чиқди. Доим жим тураяптики, демак, айбдор, деб ўйлаган ва баттоллик йўлини тутган қайнона ахир-оқибат келинини ўғрига чиқарди. Очиқдан-очиқ ҳужумга ўтиб, уни айблай кетди: Гулнора, сен менинг келиним эмассан, ўғрисан, сандиғимни очиб, ичидаги кийимликларимни сен ўғирлагансан! "Бечора келин бундай таънадашному, ҳақоратларга чидай олмади. Хайриятки, шифокорларнинг тез тиббий ёрдами туфайлигина унинг ҳаёти сақланиб қолинди.

Афсуски, ёвузлик йўлини танлаган қайнона бу воқеадан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Энди хотинининг тарафини олаётган ўғлини чақа бошлади. Аслида онанинг яхши-ёмон гапи ўғилга оғир ботмайди. Бироқ таънадашномлар Шерзоднинг ҳам тинкасини қуритди. Қаттиқ гапирай деса, онанинг юзига оёқ қўйиб бўлмайди, она эса жаврашини қўймайди. Ташлаб кетай деса, эл-элатнинг таънасидан чўчийди. Охири, ўғил онасининг навбатдаги дидиёсига дош беролмади. Тўғрироғи, дош беришга ўзида собит ирода тополмади. Бу воқеа 2001 йилнинг 19 май куни содир бўлди.

**Отабек ТУРДИҚУЛОВ,**
**Қашқадарё вилояти**

### *Оталар дейдики:*

***Адолат — энг яхши фазилат, адолатсизлик эса энг ярамас ва тубан хатти-ҳаракатдир.***

* * *

***Амалда қўлланилмайдиган билим жонсиз танага ўхшайди.***

* * *

***Билгилки, адолат буюк ва қудратли. Яратганнинг ер юзидаги ўлчови эрур.***

## НАФАҚАЛАР ЭГАСИГА ТЕГЯПТИМИ?



### ёҳуд маҳалла қўмиталари фаолияти қандай кечмоқда?

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсонпарварлик тамойилларига мослигини ҳамма кўриб-билиб турибди. Жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги **"Кам даромадли оилаларни ҳисобга олиш, уларга ёрдам тайинлаш тўғрисида"**ги, **1996 йил 10 декабрдаги "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги **1999 йил 15 февралдаги "Бола икки ёшга тўлганга қадар парвариш билан шуғулланадиган, ишламайдиган оналарга бериладиган нафақалар тўғрисида"**ги қарори ҳамда йўриқномалар ижроси амалиётга жорий этилди. Боёвут тумани молия бўлими ҳам мазкур қарор ва йўриқномалар ижросини таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Мисол учун жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида туман бюджетидан 2 ёшгача боласи бўлган, ишламайдиган оналарга 44 миллион 432 минг сўм миқдорида нафақа ажратилди. Шу давр ичида 16 ёшгача боласи бор оилаларга 55 миллион 234 минг сўм ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам сифатида 8 миллион 37 минг сўм маблағ тўланди. Умуман олганда 2001 йилнинг биринчи ярмида барча турдаги нафақа бўйича 29 та маҳаллага жами 107 миллион 703 минг сўмлик маблағ ажратилди. Маълумки, юртимизда давлат ҳокимият органлари ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич равишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига берилиши сиёсати давом этмоқда. Шу боис маҳаллалар фаолиятини жонлантиришга катта эътибор берилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, нафақа пулларини тайинлаш ва тарқатиш ишлари ҳам бевосита маҳалла қўмиталари зиммасига юкланган. Шу ўринда маҳалла қўмиталари ушбу вазифаларни қай тарзда адо этмоқда, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Ушбу саволга жавоб излаб тумандаги бир нечта маҳалла қўмиталарининг фаолияти билан танишганимизда ижобий ишлар қаторида бир талай камчиликлар ҳам борлиги аён бўлди. Масалан, "Ғаллакор" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Йўлдошобод" маҳалла қўмитаси оилавий шароити яхши бўлган фуқаро Т.Ҳамробоевга 22050 сўм миқдорида ноқонуний моддий ёрдам кўрсатган.

Худди шу маҳаллада 16 ёшгача боласи бор оилаларга нафақа тайинлашда ҳам қонун бузилишига йўл қўйилган. Хусусан, фуқаро Б.Холиқовага тайинланган нафақани олиб кўрайлик. Апрел ойида нафақа тайинлаш мезони 2216 сўмни ташкил этарди. Б.Холиқованинг оилавий даромади жон бошига 2427 сўмдан тўғри келган ёки жон бошига мезондан 211 сўм ошиб кетган. Лекин шунга қарамай, унга 3 ой давомида 4287 сўмдан, жами 12861 сўм нафақа ноқонуний тўланган. Ваҳоланки, бу маблағ ҳақиқатан ҳам, муҳтож оилага берилиши лозим эди.

Алишер Навоий номидаги маҳаллада ҳам нафақани ноқонуний тўлаш ҳоллари юз берган. Буни қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин. Фуқаро С.Усмонов 2000 йил 19 декабрда 16 ёшгача бўлган болаларига нафақа олиш учун ариза берган. Маҳалла қўмитаси масалага юзаки ёндашиб, 4 нафар фарзандга нафақа тайинланган.

Текширишда маълум бўлдики, С.Усмоновнинг бир қизи 201 йил 18 январда 16 ёшга тўлган. Натижада 5 ойга 4285 сўм ноқонуний нафақа тайинланган. Ҳар ойда 3430 сўм ўрнига 4287,5 сўм тўланган. Бир ойлик фарқи 857 сўм бўлиб, 5 ойга 4285 сўмни ташкил этади. Шунингдек, фуқаро Б.Бердимуродовнинг ўғли Фарҳодга ҳам бир ойга 857 сўм нафақа ошиқча тўланган.

"Усмонобод" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли айрим маҳалла қўмиталари ҳам нафақа тайинлаш масаласига юзаки қарамоқда. Зарур ҳужжатлар етишмагани ҳолда аризаларни ижобий ҳал этиш ҳоллари юз бераяпти. Масалан, "Бунёдкор" маҳалласида яшовчи фуқаро Н.Буриеванинг 16 ёшгача бўлган болалари учун нафақа олиш тўғрисидаги аризасида унинг имзоси йўқ. Бундан ташқари, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланган далолатнома бўлмаса-да, унга олти ойга 14700 сўм ноқонуний нафақа тайинланган ва бир ойга 2450 сўм нотўғри тўланган.

Бу каби далиллар шуни кўрсатадики, айрим маҳалла қўмиталари фаолиятида жиддий нуқсонлар мавжуд. Бу эса маҳалла қўмиталари фаолиятини янада яхшилаш заруриятини тақоза этади.

**Абдураҳмон РАЗЗОҚОВ,**
**Боёвут туман молия бўлимининг мудири**
**Орзу АБДУСАМАТОВ,**
**журналист.**

## КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

Иккита "уддабурон" дайди суҳбатлашяпти:

— Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, лекин мен юз долларликни шунақа ясайманки, ҳеч ким унинг қалбакилигини тополмайди.

— Ундай бўлса нега ясамайсан?

— Сира аслини тополмаяпман-да!

* * *

Икки йўлтўсар ярим кечада бир одамни тўхтатишипти.

— Марҳаматингизни дариғ тутмай, бизга ўн тийин берсангиз. Акс ҳолда, биз мажбурмиз...

— Йўғ-е, йўғ-е, — деб енгил тортипти йўловчи. — Худо ҳаққи, марҳамат. Лекин айтинг-чи, ўн тийинни нима қиласизлар?

— Нима қилардик. Қуръа ташлаймиз — ҳамёнингиз кимга тегади-ю, қолган буюмларингизга ким эгалик қилади.

* * *

Тўртта ходим мукофот олишипти ва уни қандай ҳаржлаш масаласида баҳслашиб қолишипти. Улардан бири таклиф қилипти:

— Келинглар, танга ташлаймиз. "Орёл" тушса, ресторанга бориб, зиёфат еймиз, чув тушса, қизларни олиб табиат қўйнига сайрга жўнаймиз, қирраси билан тик туриб қолса, хотинларимизга совға-салом оламиз, ерга тушмай ҳавода муаллақ қолса, хотинларимизнинг қўлига элтиб берамиз.

* * *

Қурилишга текширувчи келипти. Қараса, бир ишчи ҳадеб қуруқ аравачасини шалдиратиб у ёққа югуриб ўтармиш, бу ёққа югуриб ўтармиш. Уни тўхтатиб сўрапти:

— Нега бўш арава билан югуриб юрибсан?

— Э-э, сўраманг, ҳозир ишимиз суръати шунақа тезлашганки, қоришма солишга ҳам вақт йўқ.

* * *

Автобусда бир аёл кетаётган экан. Қўлида сумка. Аёлнинг ёнида бир эркак турипти. Бир маҳал аёлнинг сумкасидан нимадир чакиллаб тома бошлапти. Ҳалиги эркак бармоғини тегизиб кўрипти, кейин ялаб кўрипти-да, аёлдан сўрапти:

— Тузлаган бодринг олиб кетяпсизми дейманда...

— Йўқ. Кучукчамни дала ҳовлига олиб кетяпман.


1996 йилнинг январидан нашр этилади
**ИНСОН ва ҚОНУН**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Шодиқул ҲАМРОЕВ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ҳусан ИБРОҲИМОВ
*(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Ислом ҲАМРО
*(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ

**Индекс: 646882**
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-2843. Тиражи-10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.00

Навбатчи:
**А. ОРТИҚОВА**
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
**Д. БЕКМУРОДОВА**
Компьютер операторлари:
**М. ЯХНЯЕВА,**
**М. ДЎСТОВА**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700047,**
**Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.**
**Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65**

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.